

84(5kg)
n-519

Ли Мун Ёль

이문열



ОЛТИН ҚАНОТЛИ ҚУШ

황금 날개를 가진 새가
어떻게 주문합니까

Джинн из золота

DAVR PRESS

Ли Мун Ёль

ОЛТИН
ҚАНОТЛИ
ҚУШ

Кисса



ТОШКЕНТ
"DAVR PRESS" HMY
2016

Жанубий Кореяning ҳозирги даврдаги энг машхур ва мумтоз ёзувчиси Ли Мун Ёлнинг “Олтин қанотли қүш” қиссасида ҳақиқий инсоний қадриятларнинг фалсафаси асар қаҳрамони — таниқли рассом ва хаттот Ко Чжук тақдиди орқали мажозий ифодасини топган. Шогирдлик пайтидаёқ унинг иқтидорлилиги маълум бўлади. Устози унга ижодда юксак руҳ ҳис этилмаса, тасвиirlар шунчаки буёқлардангина иборат бўлишини уқтирган. Ко Чжук дунё таниган рассом даражасига кўтарилиган бўлса ҳам фақат умрининг сўнгти кунларида ўзида ўша юксак руҳни тўймаганлигини, эришган шуҳратининг ўткинчилигини англаб етади. У турли ўлкаларга тарқалиб кетган машхур асарларига ўзи ўт қўйганида, аланга учқунларида бутун ҳаётни давомида кўришни орзулаган ўша юксак руҳ рамзи — олтин қанотли қүш гавдаланади.

Ишончимиз комил, корейс ҳалқи севиб мутолаа қилаётган ушбу асар сиз азиз ўқувчилармизга ҳам манзур бўлади.

**Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир
Акмал САЙДОВ.**

**Русчадан Эркин ЭРНАЗАРОВ
таржимаси.**

Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосан ҳимояланган.

“DAVR PRESS” нашриёт-матбаа уйининг ёзма рухсатисиз ушбу нашрни қисман ёки тўлиқ ҳолда бошқа оммавий ахборот воситаларида электрон ёки механик кўринишда кўчириб босиш, магнит ташувчи воситаларда тарқатиш қатъий тақиқланади.

ISBN 978-9943-4611-3-0

© “DAVR PRESS” НМУ, 2016

**ҚАДИМИЙ ВА
ХОЗИРЧА НОТАНИШ
АДАБИЁТ**



Ўзбек томошабинлари телевидение орқали корейс сериалларини мириқиб томоша қилишади. Лекин Жанубий Корея адабиётидан у қадар хабардор эмаслар. Умуман, бу мамлакат ёзувчилари, шоирлари, драматургларининг асарлари жаҳонда ҳам ҳозирча у қадар машҳур эмас. Корея Республикаси бадиий адабиёт таржималари институтининг маълумотларига қараганда, сўнгги 20 йил мобайнида бу мамлакат бадиий адабиётига тааллуқли 2340 асар 27 та тилга ўгирилган. Бироқ Корея Республикаси маданият, спорт ва туризм вазирлигининг эълон қилинган маъруzasи хулосаларига кўра, таҳлил қилиб чиқилган 70 та таржиманинг фақат еттитасини, яъни ҳар ўнтасидан биттасини муваффақиятли чиққан деб ҳисоблаш мумкин. Қолган аксарият таржималар бадиий савиясининг даражаси аслиятта тўла мос тушмайди. Бу, кўп жиҳатдан, таржимонларнинг асарлар аслиятининг тили — корейсчани мукаммал эгалламаганликлари билан изоҳланади. Шу сабабли дунёда Жанубий Корея бадиий адабиётининг ўзига хослиги ва қиймати тўғрисида тўлиқ ва чуқур тасаввур шаклланмаган.

Ҳолбуки, корейс ёзма асарларининг илк на-
мунаси VIII асрда Силла Қироллиги¹да яратилган.

¹ Силла Қироллиги (милоддан аввали 57—милодий 935-йиллар) — уч Корея қироллигининг биттаси. Силла Қироллиги тарихи милоддан аввали 57 йилдан бошланади. Уша пайтда у Самхан конфедерацияси қиролларининг биттаси бўлган. Силла бирин-кетин қолган икки корейс мамлакати — 660 йилда Пэкчени ва 668 йилда Когурёни забт этади ва Бирлашган Силла давлатига асос солади. Милодий биринчи минг йиллик охирида бу салтанат янга уч корейс давлатига парчаланиб кетади. 935 йилда улар янга Корея номини олган давлатга бирлашади.

Улар “иду” ёзувида (корейс сўзларини хитой иероглифлари ёрдамида ёзиш усулида) битилган. Худди шу вақтда — 751 йилда Кореяда дастлабки китоб — “Дхарани сутра¹нинг пок ёғдуси” будда ўрами чоп этилган. Кореяликлар матбаачиликда металл шрифтидан ҳам Иоганн Гутенберг² “Библия”ни 1455 йилда шу усулда нашр этганидан 21 йил илгари — 1234 йилда қўллай бошлаганлар.

Корейс бадиий насрининг тарихи ҳам XV асрга бориб тақалади. Ўша даврда Ким Си Сипнинг (1435—1493) “Олтин Тошбақа тогида қулоққа чалинган янги ҳикоялар”и нашр этилган. Ушбу беш жилдан иборат бадиий асарлар туркумининг биринчи жилди сақланиб қолган. У хитой тилида битилган бўлса ҳам, аслида бу асарда Кореяда содир бўлган воқеалар ҳақида сўз борган. Хо Гюн қаламига мансуб, ижтимоий тенгсизлик муаммолари қўтарилган биринчи корейс романи — “Хон Гиль Дон ҳақида қисса” эса XVII асрга тааллуқлидир.

Хангиль³ ёзувидаги “ин мунхак” (“янги адабиёт”) номини олган бадиий адабиёт Кореяning Япония

¹ Дхарани сутра ёки Буюк Раҳмдиллик ҳикматлари — Хинд яриморолидаги муқаддас тог горларидан бирида топилган Будда ҳикматлари. 12 ўрамининг биттаси. Унда ҳар бир тирик мавжудот Буддага чинакам сигинса, мукаммалликка эришиши ва ўзидан пок ёғду таратиши ҳақидаги ҳикматлар битилган.


² Иоганн Генсфляйш дур Ладен цум Гутенберг (немисча: Johannes Gensfleisch zur Laden zum Gutenberg; таҳминан 1397 ва 1400 йиллар — 1468) — биринчи немис матбаачиси. У 1440 йилда китобларни ҳаракатланувчи литералар билан чоп этиш усулни кашф этган. Бу матбаачиликда инқиlob яратиб, фақат Европа маданиятигагина эмас, шунингдек, жаҳон тарихига ҳам улкан таъсир кўрсаттан.

³ Хангиль — 1446 йилда корейс сулолаларидан бўлган Қирол Се Жон томонидан жорий этилган 28 ҳарфдан иборат алифбо. Бу пайтгача корейслар хитой иерог-

томонидан босиб олинишидан аввалги даврда — XX аср дастлабки ўн йиллигига равнақ топа бошлади. Инмунхак миллий ўзликни англаш, ажнабий босқинчиларга исён шаклини олган. Жумладан, 1914 йилда “Чхончхун” (“Ёшлик”) журналида Ли Гван Су шу мавзулардаги ўз романларини эълон қила бошлаган. Бу ёзувчининг асарлари замонавий корейс адабиётининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Умуман, ҳозирги даврга қадар роман корейс бадиий адабиётининг асосий жанри бўлиб қолмоқда. Жанубий Кореяning янги давр адабиёти бевосита 1950-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб жўшқин ривожланади. Ана шу даврда давлатлари иккига парчалангандан ва Корея Республикаси ташкил топганидан кейин шу заминда бадиий адабиёт билан шугулланаётган янги авлод ўз асарларини эълон қила бошладилар. Уларнинг кўпчилиги ўша пайтдаги урушда иштирок этишган, жанггоҳларда орттирган шахсий ҳаётий тажрибаларини ижодларининг асосий мавзусига айлантирган эдилар.

Жанубий Корея янги даври адабиётининг ана шу вакиллари қаторида О Сан Вон (1930—1985), лифларини ишлатганлар. Бу мураккаб ёзувнинг оддий халқ томонидан ўрганилиши қийин бўлганлиги сабабли Қирол Сежон содда алифбо тузишни буюрган. Бироқ корейс жамиятининг олий табақалари хангилга соддалиги учун ўша даврларда мактабларда умуман ўқитилмаган, “авом аёллар алифбоси” сифатида қараб келгандарни сабабли у шундан кейинги 400 йил давомида амалиётда қўлланилмаган. Кореяда XIX аср охирларидағина расмий ҳужжатларни хангиль алифбосида битишга рухсат берилган.



Со Ги Вон (1930 йилда туғилган), Чхве Ин Хун (1936 йилда туғилган), Сон Чхам Соп (1922—1959) номлари ажратиб кўрсатилади. Ушбу ёзувчилар урушнинг даҳшатли фожиалари ва бунинг миллатдошлари ҳаётидаги аянчли оқибатларини бадиий ифода этиш учун ноанъанавий адабий услугуб ва воситаларни қўллай бошладилар.

Кореядаги урушдан аввалги адабиёт учун ҳам таниш бўлган экзистенциализм бу мамлакатнинг 1960-йиллардаги бадиий адабиётига жиддий таъсир кўрсатди. Шу йиллар Жанубий Корея бадиий адабиётининг асосий хусусияти — “сунсу мунхак”дан (“соф адабиёт”дан) қочиш ва воқелик ҳаётда кўндаланг қўяётган мавзуларга мурожаат этишdir. Бунга ёрқин мисол сифатида Чан Ен Хакнинг (1921 йилда туғилган) “Иоанн поэзияси”ни (1955) кўрсатиш мумкин. Унда тасвирланган маҳбуслар қамоқхонаси энг оддий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум қилинган урушдан кейинги жамиятнинг ўзига хос рамзиdir.

Экзистенциализм услубини қўллаган яна бир ёзувчи Сон Чжан Соп (1922 йилда туғилган) бу мавзуни ривожлантириб, ўз асарларида ҳар қандай ахлоқий қоидаларни писанд қилмайдиган, жирканчлик ботқогига ботган шахсларнинг таъсирчан образларини яратган.

Жанубий Корея бадиий адабиётида ҳурликка талпинаётган, ўзлигини излаётган шахслар давр

қаҳрамонлари сифатида тасвиrlанган асарлар ҳам пайдо бўла бошлади. Бундай ёндашувни Чхви Ин Хунинг (1936 йилда туғилган) “Майдон” романида (1961) кўриш мумкин. Ушбу асарда ҳам Жанубий Кореядаги урушдан кейинги ҳаётнинг оғриқли муаммолари қўтариб чиқилган. Ўша йиллари кўпчилик корейслар, айниқса зиёлилар олдида ниҳоят сулҳга эришилгандан сўнг бир қарорга келиш ниҳоятда мураккаб бўлган масала: энди ватан сифатида собиқ ягона давлатнинг қайси қисмига — Жанубий ёки Шимолий Кореяга йўл олиш ёхуд ватанни буткул тарқ этиш танлови турган. “Майдон” романида Корея соҳилларидан очиқ дengизга чиққан Ҳиндистоннинг “Тагор” кемасида Жануб ёки Шимолни танлаш бўйича бир қарорга келиш ўрнига бетараф мамлакатга йўл олаётган, бир гуруҳ ҳарбий асирикдан озод қилингандарнинг аянчли тақдирни ўз ифодасини топган. Ана шу кемани кузатиб бораётган икки балиқчи қуш рамзий маънода бири — Жанубдан, иккинчиси Шимолдан бўлган севишганларнинг уруш оқибатлари чилпарчин қилган муҳаббатлари фожиасидек англанади.

“Майдон” — Жанубий Кореяning 1960-йиллар бадиий адабиёти равнақининг тимсолига айланди, роман китобхонлар ўртасида катта муваффақият қозонди. У миллий адабиётда янги мавзу — “пундан мунхак”ка (“парчаланган миллат адабиёти”га)

асос солди. Ана шу мавзуга ёзувчилар, шоирлар, драматурглар такрор ва такрор мурожаат этадиган бўлдилар.

Жумладан, Чо Чжон Нэнинг “Тхэбэк тизмаси” романни 1948 йилда Ёсу шаҳрида кўтарилиган исёндан Корея иккига бўлинган 1953 йилгача бўлиб ўтган воқеаларни қамраб олган. Эпопея даражасидаги бу асарда 100 дан ортиқ персонаж қиёфаси гавдалантирилган бўлса ҳам воқеалар марказида ҳам ака-ука, ҳам мафкуравий рақиблар — сўллар ташкилотининг раҳбари Ём Сан Чжин ва барикаданинг нариги тарафидаги Ём Сан Гутурди. Романнинг бош гояси бу тарафкашликка, умуман мамлакат парчаланганилигига барҳам беришга йўналтирилган. Шунинг учун Тхэбэк тизмасини Корея ярим оролининг сумбати сифатида таърифлашганидек, бу асарни Жанубий Кореяning сумбатига қиёслашади.

Корейс адабиётининг таниқли намояндаси, ёзувчи ва шоир Хван Сун Воннинг (1915 – 2000) 60 йилдан кўпроқ ижоди миллий адабиёт шаклланишининг барча босқичларини ўзида мужассамлаштирган. Унинг асарлари учун анъанавий услугубий шаклларнинг янги маэмун билан бойитилиши хосдир. Хван Сун Кореяning ноёб сиймосини анъанавий урф-одатлари ва турмуш тарзининг бутун латофати билан намоён қилиш

баробарида ҳозирги давр жамиятидаги инсоннинг тақдирини жуда чуқур таҳлил этади.

Адибнинг 1954 йилда ёзилган машҳур “Каин авлодлари” романни ҳозирга қадар ижодининг шоҳ асари ҳисобланади. Бу романда инсоннинг ички дунёси, унинг ҳиссиётлари ниҳоятда таъсирчан ифода этилиши билан бирга инсонни ўраб турган воқелик бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан гавдаланади. 1957 йилда Жанубий Кореяда биринчи марта маданият соҳасида мукофот таъсис әтилганида “Каин авлодлари” биринчилар қатори унга сазовор бўлган. Хван Сун Воннинг “Қуёш ва ой”, “Қоядаги дараҳт”, “Ҳаракатдаги қаср” романлари ҳам китобхонлар томонидан юқори баҳоланган. Ҳозирги вақтда Жанубий Кореяда адабиёт соҳасида Хван Сун Вон номидаги мукофот ҳам таъсис әтилган.

Янги давр ёзувчилари орасида Японияда тугилган, 1965 йилда Сеул миллий университетининг француз адабиёти факультетини тугаллаган Ким Син Окнинг ижоди ажralиб турди. Унинг “Мужинга саёҳат”, “Яшашга уриниш”, “Сингилни англаб етиш” асарларида ҳам таҳликали, ҳам зерикарли вазиятда турмуш кечираётган худбинлар образлари яратилган. Улар ўз атрофларида бўлаётган воқеа ва ҳодисалар учун шахсий масъулиятини ҳис этмайдилар ва бутун умрлари танҳолик булутига қопланган ҳолда ўтади.

Ким Син Окнинг айниқса “Сеул. 1964 йил қиши” асари катта шов-шувга сабаб бўлган. Романда одатий инсоний муносабатларнинг ҳар қандай маъниси йўқотилганлиги огоҳлантирувчи бонгдек янграйди. Жанубий Корея бадиий адабиёти учун адид асарининг фақат мавзуси ва мазмунигина янгилик бўлиб қолмаган. У шаклан ҳам бетакрордир, аслида воқеалар ҳам ўзига хос тарзда тасвиrlанган. Ёзувчи мактабни битирган ёш йигитнинг йўл ёқасидаги майхонада тасодифан учрашиб қолган ўрта яшар эркак билан ўзаро суҳбатини сўзма-сўз баён қилган. Бу суҳбат жуда жўн, баъзи жойларда эса мутлақо маъносиз туюлади. Шу билан бирга асарда турмушнинг ўта ҳавойилиги фоят муваффақиятли тарзда ифода этиб берилган.

Китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Эркин Эрназаров томонидан рус тилидан таржима қилинган “Олтин қанотли қуш” қиссаси Жанубий Кореяning ҳозирги даврдаги энг машҳур ва мумтоз ёзувчиларидан ҳисобланган Ли Мун Ёль қаламига мансубдир. Ли Мун Ёль (1948 йил 8 майда туғилган) Сеул миллий университетини тугаллаган. 1985 йилда у томонидан ташкил этилган ёш муаллифлар ижодий студияси бугунги кунда мамлакатдаги биринчи “Пу-ак” Адабиёт академиясига айланган. Ли Мун Ёль 1994–1997-

йилларда ана шу академияда корейс тили ва адабиётидан дарс берган, 1999 йилдан академия ректори.

Ли Мун Ёль “Инсон ўғли”, “Император ҳақи”, “Император табриги”, “Шоир” романларининг кўплаб қисса ва ҳикояларнинг муаллифидир. Ёзувчи томонидан қайта ишланган ўн бир жилдлик “Уч подшолик” мумтоз романлар туркуми 11 миллион нусхада сотилган. Ли Мун Ёль Жанубий Кореяning адабиёт соҳасидаги энг нуфузли мукофотларига сазовор бўлган, адебнинг қатор роман ва қиссалари бошқа тилларга таржима қилинган, театрларда саҳналаштирилган, улар асосида бадиий кинофильмлар яратилган. “Олтин қанотли қуш” қиссаси 1982 йилда Жанубий Кореяning адабиёт соҳасидаги нуфузли Ким Тонин мукофотига лойиқ топилган.

Жанубий кореяликлар ўзларининг истеъоддли романнавислари, шоирлари ва драматургларининг, бадиий асарлар мунтазам чоп этиладиган кўп сонли турли журналлар ва нашрларининг ҳақиқий ихлосмандлариидир. Бу мамлакатда ҳатто кундалик газеталар ҳам доимий равишда янги роман, қисса ва ҳикояларни сонма-сон эълон қилиб борадилар. Жанубий Кореяда ҳар йили топшириладиган қатор адабий мукофотлар таъсис этилган. Бу ўз қадимий адабиёти билан ҳақли равишда гурурланадиган

Жанубий Кореяда бадиий адабиёт тобора равнақ топаётганлигининг яққол нишоналаридир.

Ушбу мамлакат адабиёти аста-секин жаҳонда ҳам танилиб бораётганлигининг далолатига яна бир чизги. Жанубий Корея пойтахти — Сеулдаги Осиёнинг энг йирик китоб магазинларидан бири — “Кёбо”нинг улкан витринасида адабиёт соҳасида Нобель мукофоти лауреатларининг исми-шарифлари қайд этилиб, суратлари илиб қўйилган. Бу қатордаги рамкалардан бири бўм-бўш. Аммо унинг тагхатида қўйидаги ёзувга кўзингиз тушади: “Адабиёт соҳасида бўлажак Нобель мукофоти лауреати — корейс учун...”

Акмал САИДОВ,
профессор

ОЛТИН ҚАНОТЛИ ҚУШ¹



¹ "Олтин қанотли қуш" қиссаси Россияда чиқадиган "Нева" журналиниң 2010 йил 3-сонида эълон қилингандан вариантидан ўзбекчага ўтирилди.

Ко Чжук ёнгинасида қайноқ шуълани ҳис этиб, кўзини очди.

Ҳозиргина яқин атрофдаги черковда тонготардаги қўнгироқ жаранги янграганди. Мана, қуёш ҳам кўтарилди. Шарқдан таралаётган офтоб шуълалари манзарасида деразанинг қора панжаралари бўртиб ажралиб турарди. Ко Чжук атрофга боқар экан, бошини бурди. Хона ҳавоси бу хиёл ҳаракатга анқиб турган қора сиёҳ исининг эпкини билан жавоб қайтарди. Эҳтимол, қадимда олхўризорлар шундай ҳид таратганмикин? Ёки тепасида аждаҳо ва қақнуслар ўйноқлаган эртакнамо майсазорлар?

Бу саёҳат қилишни яхши кўрадиган ва қандайдир тарзда ўзини марҳум Сок Тамнинг шогирди деб ҳисоблайдиган табаррук ёшдаги Пак ўтган йил баҳорида Ко Чжук учун харид қилган қора сиёҳ хушбўй ҳид сочарди. Ана шу вақтга келиб Ко Чжук мўйқаламда чизиш у ёқда турсин — ётган жойидан тура олмасди; шунинг учун бундай совгадан мўътабар Пакдан миннатдор эмас, балки хафа бўлганди.

Хушбўй ҳид ҳар тонг Чху Сунинг Ко Чжук ётган бош томонида гўё ундан хабар олгани келган ҳамкаслари ва шогирдлари учун, аслида эса — ўтган хайрли олтмиш йил давомида қарор топган тартибда ҳеч нарсани ўзгартирмаслик мақсадида қора сиёҳ суртиладиган мақтовга лойиқ интилиш

каби ажойиб эди. Ис энди таралаётганига қарағанда Чху Су хонада бўлишга улгурган ва чиқиб кетганди.

“Мени уйготиб юборган деразага сочилаетган қудратли ёғду — қуёш шуълалари эканлиги аниқ”, деган хаёлга борди. Ко Чжук ва қатъиятсизлик билан ўрнидан туришга уриниб кўрди. Бу осон кўчмади. Кимнидир ёрдамга чақириш ўйи ялтэтди, аммо у бу фикридан дарҳол воз кечди ва яна чўзилиб олди. Оила аъзоларининг ҳар кунги соғлиги хусусидаги такрорланадиган саволлари ва у тўғрисида мутлақо ҳожати йўқ гамхўрликлари билан эрталабки сокинлик, хотиржамлик ва маъюсликни — ўзи учун азоб ҳам, оғриқ ҳам бўлмай қолган хафалик туйғусини чилпарчин қилишни хоҳламаётганди.

“Ҳа, ҳақиқатан ҳам, — шифтдаги нақшларга бирмунча серрайган ҳолда боқар экан, мушоҳада юритарди Ко Чжук, — бу ҳаётда бугунгидек тонгги соатлар тез-тез бўларди... Танҳоликда... ҳа, танҳоликда”.

Болаликнинг хира давларида бундай уйгошилар неча бор рўй берган. Ўшанда беш яшармиди... ёки олти ёшга тўлганмиди... Тонглардан бирида ёлғиз ўзи ётар ва қуёш шуълалари деразани нурафшон қилиб турарди. Дафъатан хонага оқ либосда сочлари тўзғиган онаси кириб, уни қучоқлаб бағрига босди ва хушидан кетиб, йи-

қилди. Шундан кейин унда узоқ вақт буткул ташлаб кетилганилиги ҳисси сақланиб қолди, бундан ҳўнграгиси, дод солиб йиглагиси келарди. Етти ёки саккиз ёшга кирганида бир сафар ўзи ёлғиз уйғонди — шунгача ҳамма вақт онаси билан ухларди. Хонага бувиси кирди, уни қўлига олди ва ўлганинг руҳини чақираётган афсунгар момодек марсия айтиб, йиглашга тушди. Ва сокин хона бирдан шу қадар даҳшатли тус олдики, бу ердан қочиб қолишни истарди. “Оҳ, болагинам, энди сени нима қиласмиш, ақлим етмаяпти. Оҳ, бемаъни манжалақи — мотам тугагунча ҳам сабри чидамади-я...”

Шундан кейин амакисининг уйига келиб қолганида ҳам у деярли ҳамма вақт ўзи ёлғиз уйғонарди. Амакисининг хотини доим бошқа хонада бетоб ётарди, унинг эри қўпинча кечаси уйига келмасди. Ко Чжук амакиси китобларининг ҳидига тўлган хонада уйқуга кетарди ва ҳар тонг танҳо уйғонарди.

Ко Чжукнинг ёдига болалик пайтлари тушиши билан у ҳозиргача давом этаётган турмушига улоқтирилган биринчи кун хотирасида түғён кўтарди. Эллик йил ўтдими? Ёки олтмиш йил? Қанча бўлмасин, ўша куни амакиси уни, ўн яшар болани қўлидан ушлаганича мўътабар устоз Сок Тамнинг уйига етаклаб келди.

Бу — у йўқ-бу йўқ бирдан аллақачонги, бир умр хотирадан ўчгандек туйилган лаҳзалар равшан ва аниқ жонланиши ҳақиқатан ҳам қарилик белгиси. Ко Чжук ёши улгайгани сари ўша биринчи кундаги устоз Сок Тамнинг қиёфаси кўз ўнгига гоят равшан ва аниқ гавдаланаарди. Устози эндиғина салкам қирқ ёшда әди, лекин кўринишидан қартайган, бечора сонби¹ сифат әди.

— Ҳурматли Сок Там, болани ўзингга олсанг. Мен шу ерда бўлсамгина уни амал-тақал қила олишимни яхши биласан, — деганди амакиси; у чет элга йўл олаётганди. — Мен бу ерда касал хотинимни ҳам қолдириб кетяпман, болани ҳам ташлаб кетсам, хотинимнинг оиласига ортиқча дахмаза бўлади. Қадрдон дўстлигимиз ҳақи болани ол. У акамнинг яккаю ягона ёдгори.

Устоз Сок Там амакимнинг гапларини совуққина тинглади ва жавоб бериш ўрнига сўради:

— Сен нуқул Шанхай, Шанхай деганинг-деган: у ерда нима бўлаётганидан сира хабаринг борми? Муваққат ҳукумат² дегани — фақат олифта гап, амалда эса ўша ерда уларнинг бошпана учун тўлагани ҳам чақалари йўқ. Ўзларини хоналаридан қувиб юборишларидан титрашади ва арзимаган нарсага юммалашадилар. Умуман, устоз Чхун

¹ Сонби — конфуцийчи олим.

² Гап мамлакат японлар томонидан босиб олинган пайтда Шанхайдаги ташкил этилган Кореянинг муваққат ҳукумати тўғрисида кетмоқда.

Ган ҳали ҳам ўша ердагилигига ким кафолат бера олади?

— Бу ернинг нимаси яхши? Болани оласанми-йўқми ўзи?

— Уни боқиши ва кийинтириш бир гап бўлар. Аммо болани тарбиялаш фақат шулардан иборат эмас.

— Раҳмат-эй, оғиримни енгил қилдинг. Таълим бериш тўғрисида ташвишланма. Бола катта бўлса ким бўлишини — Худо билади, ўқитишга келсак, нимани ҳам ўргатасан. Учта иероглифни — исми-шарифини ёдда сақлаб қолса бўлгани.

Шу гап билан амакиси бола томон ўгирилди:

— Қани, жанобингга таъзим қил-чи. У — устоз Сок Там. Сени йўқлаб келмагунимча уни ота ўрнида кўрасан.

Аммо амакиси бошқа келмади. Тўғри, анча кейин, йигирма йиллар чамаси ўтгач, амакиси ватанига муваққат ҳукуматнинг бошқа аъзолари билан қайтиб келганлиги тўғрисида овоза тарқалди. Бироқ Ко Чжук ўшандан бир йил кейингина пойтактга бора олди — бу вақтда амакисини қидириб топа олмади.

Амакисининг синфдоши ва кўп йиллик қадрдан ошнаси устоз Сок Там Тхвеге¹нинг ўзидан сабоқ олган машҳур конфуций²чилардан бўлган Ённа-

¹ Тхвеге — ўз даврининг таниқали олими ва сиёсий арбоби, машҳур конфуцийчилар мактабининг асосчиларидан бири Ли Хваннинг (1501–1570) тахаллуси.

² Конфуций (милоддан аввалги 552–479) — Хитойнинг қадимий мутафаккири ва фаласуфи, конфуцийчилик фалсафа тизимининг асосчisi.

манинг издошларидан эди. Ҳаттотлиқда ақл бовар қилмайдиган қобилиятга ва бенуқсон услугга эга бўлган, сўнгги сулола¹даги энг машҳур конфуцийчи уч олимдан бири ҳисобланган Сок Там ўзининг устози Чхун Ган таъзим қиласидиган Чху Са² каби рассомдан ҳам кўпроқ китобий билимларга ёпишиб олган олим эди.

— Саводинг борми? — бу Сок Там томонидан болага амакиси кетгандан кейинги берган биринчи савол бўлди.

— “Болаларга бошлангич қўлланма”ни ўзлаштирганман.

— Унда “Кичик таълимот”³ни ўқи. Уни ўқиб олмагунингча, бирор нарсага эриша олмайсан.

Шу билан ҳаммаси ниҳоясига етди. У устознинг саноқли шогирдлари билан бирга “Кичик таълимот”ни уззукун қайта-қайта мутолаа қиласар, бироқ Сок Там ўзини худди Ко Чжукни пайқамаётгандек тутарди. Ўн уч ёшга кирганида эса кутилмаганда уни шу яқин орадаги бошлангич мактабга олиб борди.

— Ҳозир замон ўзгарган. Сен учун ҳали кеч эмас, шундай экан замонавий фанлар билан таниш.

¹ Мамлакатнинг Япония томонидан босиб олниши оқибатида беш юз йиллик ҳукмронлагига барҳам берилган Кореянинг Чосон қироллар сулоласи назарда тутилмоқда.

² Чху Са — машҳур рассом-хаттот Ким Чон Хининг (1786–1856) таҳаллуси.

³ “Болаларга бошлангич қўлланма” (“Тонмон сонсип”) ва “Кичик таълимот” (“Соҳак”) — болалар хитойча савод ва конфуцийча ахлоқ асосларига ўргатиладиган дарслклар.

Бу танишиш узоққа чўзилмаган бўлса-да, шунинг ўзидан ҳам Сок Там аввалбошдан Ко Чжукни шогирдликка олиш нияти йўққа ўхшарди.

Ко Чжукнинг нигоҳи одатдагидек ўзи томонидан қоғозга ёзилган Сок Тамнинг ҳикматли сўзи осиглиқ турган деворга қадалди. Бу битик аллақачонлар ёзилган ва узоқ вақт рамкага солинмасдан сақланарди, шу сабабли қоғознинг айрим жойлари йиртилган, устоз шахсий муҳрининг қизил бўёги чаплашган, хира сариқ тус олганди. Шунга қарамасдан, гўё қоғоз устида оқаётгандек чамбарак ҳарфларда хаттотлик истеъоди сезилиб турарди.

**Олтин қанотли қуш
денгизни тешиб ўтмоқда.
Хушбўй иси анқиган
фил дарё кечмоқда.**

Бахтга қарши устознинг ёлгиз ўғли вабодан вафот этди, унинг шогирдлари орасида эса Сок Тамнинг буддий¹ча таърифига кўра, ўз истаги бўйича роҳиб кийими ва гуруч солинадиган япасқи идишни мерос қилиб қолдирадигани топилмади. Шунинг учун устоз вафот этганидан сўнг уйни қўриқлаб қолган Ко Чжукка унинг баъзи буюмлари ўтди. Бироқ Ко Чжукка мамлакат бўйлаб изгишига тўғри кел-

¹ Буддизм — милоддан аввалги VI асрда қадимий Ҳиндистонда пайдо бўлган диний-фалсафий таълимот. Унинг асосчиси кейинчалик Будда Шакьямуни номини олган Сиддҳартҳа Гаутама ҳисобланади.

ди, кейин яна уруш, жанжал-суронли йиллар — бу буюмларнинг кўпи сақланиб қолмади. У ҳар сафар шу ҳақда ўй сурганида, ўзининг эҳтиётсиэлиги ва енгилтаклигидан пушаймон бўларди. Аммо ушбу битикни сақлаб қола олди: бу ҳикмат устознинг энг суюкли ўгитларидан бири эди. Худди ана шу Ко Чжукка бир умр мангу маломат бўлди: ўзи бу ҳикмат олдида ҳам ҳаяжондан титрап, ҳам маъносини англашга интиларди. Ҳатто мўйқаламни қўлга олишга ҳоли бўлмаган сўнгти пайтларда ҳам ушбу иероглифлар чизиқларида устоз Сок Тамнинг қаҳрли боқиши гавдаланаарди.

Ўшанда йигирма етти ёшда эди. У муваффақият қозонишга ташна эди, буни интиқиб кутарди ва устозга ҳеч нарса демасдан, унинг уйини тарк этди. Баландпарвоз айтилса, бу ўзлигини намоён қилиш ҳаракати, жўн айтсак — ўзини кўрсатиш имкониятини излаш эди.

Бир оз вақт у зафар кетидан зафар қучди. Чокпхадаги адабиёт танловида голиб чиқди, қаерлардадир ҳали ҳам назокатлигини сақлаб қолган ва жамият сараларининг лаззатланиши учун тобора камёб бўлиб бораётган содан¹ларда ардоқли меҳмонга айланди; маҳаллий бойлар хонадонларида ҳам яшади. Уч ойдан сўнг аъло кайфиятда, ўзига совға қилинган кўплаб расмлар ва битиклар,

¹ Содан — адабий мунозаралар, мусобақалар ҳам ўтказиб туриладиган конфуцийлар мактаби.

устоздан олган қоғозлар ва мўйқаламлар қийматини қоплаш мақсадида бир қоп гуруч билан қайтиб келди. Лекин устознинг муносабати кутилмаган бўлди.

— Мўйқаламларни қутидан ол ва қопнинг устига қўй.

У ҳеч қандай эътиrozларга йўл қўймасди. Ко Чжук ҳали гап нимадалигини тушунмасдан, мўйқаламларни қутидан олди ва гуруч солинган қоп устига қўйди. Устоз енгидан бир қути гугуртни чиқариб, мўйқалам қутиси билан бирга қопга ўт қўйди.

— Нима қиляпсиз, устоз?

Сок Там қаҳрли эди:

— Дўстимга сўз берганим учун уйимда яашинг мумкин. Аммо бундан буён мени устоз деб тилингга ола кўрма. Сен эрталаб қўлингга мўйқалам ушлаб, кечқурун истеъдодинг билан мақтана бошладинг. Менда бундай шогирдлар бўлмаган ва бўлмайди ҳам.

Ко Чжук газаб отига минган устоздан уни кечиришини икки йил давомида илтижо қилди. Ўша пайт даставвал ўзи дуч келганидан анча абор қаҳрли синовлар даври эди. Ко Чжук ҳозир қараб турган ҳикматли сўзлар у ниҳоят кечирилган, Ҳудо марҳамат қилган кунда бевосита устознинг ўзи томонидан битилганди.

Ҳикматнинг маъноси эса шундай эди: мовий денгизга отилиб, аждаҳони юлиб оладиган ва кўк-

ка ўқдай отиладиган олтин қанотли қүш каби ши-
жоатли бўл; хушбўй ҳид анқитиб, дарёдан шошмай
кечиб ўтаётган филдек қатъий бўл.

Ко Чжукнинг хотирасидаги таълим олишнинг
машаққатли, тушкун бошлангич даври аlam ўтида
ёндирганди. Сок Там ўзининг қандайдир ўйига
кўра, аввалбошдан, Ко Чжукни амакисидан
олиб қолган кундан эътиборан, у билан совуқ
муомалада бўларди. Сок Тамнинг уруғи қадимдан
авлоддан авлодга Конфуций таълимотини ўтказиб
келиши билан машҳур эди, бироқ Сок Тамнинг
мол-мулки кўп эмасди, ўзи йил сайин сони тобора
камайиб бораётган шогирдлари баҳор ва кузда
олиб келадиган гуруч ҳисобига кун кечираради.
Лекин бола Сок Тамга ортиқча юк эмасди. Бир
оз кейин, Ко Чжук улгайгач, у ҳатто хўжаликни
юритишни ўз зиммасига олганди. Шунга қара-
масдан, устознинг совуққонлиги қолмаганди —
аксинча, йил сайин кучайиб борарди. Демак,
бунинг қандайдир жиддий сабаби бор эди.

Сок Тамнинг бошқалар бир-икки йилда ўзлаш-
тирадиган “Кичик таълимот”ни Ко Чжукка кўп
йиллар давомида ўқишига мажбуrlагани ҳам, устоз
ўн уч ёшли Ко Чжукни ўз машғулотларидан
узоқроқда бўлиши пайида бошлангич синфнинг
тўртинчи синфиға ўқишига бергани ҳам — буларнинг
ҳаммаси унинг галати муносабати билан қандайдир
боғлиқ эди. Шу билан бирга шогирднинг устозга

нисбатан түядиган ҳисси ҳам гаройиб ва тушунарли әмасди. Сок Там ҳаётлиги пайтида бу чексиз ҳурматнинг газабнок нафрат билан қоришмасидан иборат бўларди. Туйгуниг бундай чалкашиб кетиши ғалати қўринарди, аммо бу қачон пайдо бўлганлигини анчайин аниқ айтиб бериш мумкин эди — Ко Чжук бошлангич мактабни тугаллаб, Сок Тамникида яшашга қолган ўн олти ёшлигидан устозининг шогирдларига расман қўшилган ўн саккиз ёшигача бўлган пайт. Ўша вақтда Ко Чжук амакисининг унинг бундан буён ўқишининг пулини тўлаш таклифидан воз кечган, янгича — европача дарс бериладиган мактабдаги ўқишини тўхтатган ва ўтмиш билан яшайдиган, китобий билимларга ёпишиб олган олим — рассом ва хаттотнинг уй хўжалиги ташвишларини ўз зиммасига олишга қарор қилганди. Шогирдлар олиб келадиган гуруч етмай қолганди ва Ко Чжукка кичикроқ ерни ижарага олиб, унга ўзи ишлов беришга; бир боғлам ўтин келтириш учун ўйигирма-ўттиз¹ ли яёв ўйл босишига тўгри келарди.

Бу одамларда ҳурмат ўйготди; аммо худди шу вақтдан бошлаб Ко Чжукнинг қалбидан устозга нисбатан жазавали муҳаббат-нафрат ўрин олди. Устоз Сок Тамнинг ҳаёти гўё тог бағирлаб оҳиста ҳаракатланаётган баҳорги булат сояси каби, гўё эсиб қолган ёз шамоли супурган ҳовли сингари, гўё овлоқ тог дарасидаги қузги ирмоқлар сувидек,

¹ Ли — корейсча узунлик ўчнови, тахминан ярим километр.

гўё қор ёғиб ўтгандан кейинги очиқ ва сарҳадсиз қиши оғомондек тиниқ, сокин, маъюс ва ёлгиз эди. Ана шу ҳаётнинг ўзи Ко Чжук дилида кулфат сезгиси билан айқаш-уйқаш чексиз ҳурмат уйғотарди. Устози лабида майин, сирли табассум билан қўлига китоб олганида; унинг қалби одатда ўтмишнинг буюк инсонлари яшаган ва ўтмиш шон-шуҳрати хотиралари жонланадиган қандайдир қалқиб турадиган дунёга парвоз қилганида; устоз руҳланган нигоҳ, уммон тўфонидек жазава билан катта мўйқаламни қўлга олганида; бу дунёдан холи бўлган орқа ҳовлида атиргуллар соясида шошилмасдан орхидея¹ гулини узган ва цитра² оҳангларидан роҳатланганида — у тақводорлик турмуши тимсолига ўхшаб кетарди. Бироқ фақат Ко Чжукнинг саъй-ҳаракатлари туфайлигина ҳозирча ҳеч ким очликдан ўлмаётгани, лекин агар у бу қадар тиришмаса, ярим йилдан кейин жон бериши аниқлиги; бироқ бармоқ билан санаса бўладиган шогирдлардан бошқа ҳеч ким қадам босмайдиган уй; аммо хўжаликдаги юмушларни бажариб қайтаётган шогирдларни қарши оладиган устознинг ҳолсиз боқиши — буларнинг ҳаммаси лаънатдек ёгиларди.

Лекин пировард натижада Ки Чжукнинг ҳаёти устозга таъзимни ва чексиз ҳурматни белгиларди.

¹ Орхидея — бир паллали, қизил гулли манзарали ўсимлик.

² Цитра — XVIII асрда Австрия ва Германияда кенг тарқалган торли, чертиб ҷалинадиган мусиқа асбоби.

Ко Чжук ўзида югур-югур дунё васвасасини түяр экан, беихтиёр, лекин жўшқинлик билан устози Сок Тамга тақлид этарди. Устози дастхатининг турли намуналари — шогирдлари кетаётганларида ёддан чиқарғанлари, устозининг ўзи ташлаб юборгандар, у дўстларига совга қилганлари сақланиб қолганди; баъзиларини эса Ко Чжук ўғирлаганди. Аввалига устозининг дастхатларини шунчаки тилга олишнинг ўзи Ко Чжукнинг қалбида титроқли эҳтиром ҳаяжонини уйготарди. Кичик иероглифларни ёзишни Ко Чжук хаттотлиқда машқ қилиш учун ясалган, ёки қум, ёки оқ бўёқ қопланган қўлбola тахтачаларда пухталарди. Катта иероглифларни ёзишни эса итнинг думига ўхшаш катта мўйқаламлардан фойдаланган ҳолда ўзгаларнинг қабртошларида машқ қиласди; ҳар қандай шундай машқдан кейин ёзганларини сув билан ювиб юборарди. Унда ўзининг шахсий мўйқалами ва қогози, қунлардан бирида, устозидан яширинча идора моллари магазинига кун бўйи оғир қопларни ташиганидан сўнг пайдо бўлди. Ко Чжук ўзининг устози билан муносабатлари мураккаблигига қарамасдан Сок Тамдан уни шогирдлари сафига қўшишни илтимос қилиш у ёқда турсин, ҳатто бу жўшқин хоҳишига ҳеч қачон шама қилмаганлиги таажжубли ва ақлга сигмасди. Бу нимани англатарди? Ижодкорнинг

нафсониятниними? Қайсиdir маңнода қалбнинг буюклигидан гуурланиш ҳиссиними?

Ва устози уйида Ко Чжукнинг бир үзини қолдириб, оила аъзолари билан жўнаб кетган кун келди. Ко Чжук устозининг хонасини йиғиштирар экан, дафъатан галати ички ҳисни туйди: устоз Сок Там ўз шогирдларини нимага ўқитишини билишни истаб қолди.

Ко Чжук ёзув столини сурди ва устозининг асл дуаньци тошидан ясалган сиёҳдонида қора сиёҳни аралаштира бошлади. Ўргатилганига бир-ма-бир амал қилган ҳолда сиёҳдонни қора сиёҳ билан бир томчисини ҳам томизмасдан тўлдирди, кейин мўйқаламни, расмлар ва битиклар учун мўлжалланган қимматбаҳо қоғозни олди. Биринчи бўлиб у низом битиги билан “иккилама лайлак” иероглифининг ўқитувчи намунасини кўчирди.

Чху Са ҳаммасидан ҳам Оуян Сюнинг “ибодатхона олдидаги мусаффо чашма” бандини ёқтирганидек, устоз Сок Там шогирдларини низом бўйича ёзишни машқ қилдиришда “иккилама лайлак”ни мақбул кўрарди. Афтидан, қоғоз ва мўйқалам билан ишлаш ҳаддини олганди — иероглифнинг ҳамма чизиқлари худди ўқитувчи намунасидаги каби чиққанди. Кейин у Янь Чжэнъцин¹ услубида “Одоб-ахлоқ қоидаларини эгаллашга тиришиш ёдгор тошлари” матнидан бир неча иероглифларни ёзди. Жуда берилиб ишлар

¹ Янь Чжэнъцин (709–785) — машҳур Хитой давлат арбоби ва Тан даври хаттоти.

экан, Ко Чжук ёдидаң дунёдаги ҳамма нарса күтарилғанди. Түсатдан газабли жеркиш уни воқеликка қайтарди. У энди “Орхидеялар ўртасидаги шиййонча”га муқаддиманинг биринчи сатрини ниҳоясига етказаётганди: “Юн хә шиори остида ҳукмдорликнинг тўққизинчи йилида — буқа йилидаги Мангу Ўйгунлик...”

— Шунақами! Қоғозни чаплаштириш етарли эмасми?

Ларзага тушган Ко Чжукнинг нигоҳи гира-шира қоплаган хонада Сок Тамнинг қаҳрли гўдайған гавдасига тушди. Бироқ устозининг юзида газаб сезилмаётганди — кўпроқ маъюслик ва умидсизлик бор эди. Ёнида етти санъатда: шеъриятда, насрда, хаттотлиқда, рангтасвирида, шашка ўйинида, фол очишда ва тиббиётда мукаммал деб тилга олинадиган мўътабар Чхве Ун Гок турарди. Эзилиб кетган Ко Чжук шошилиб ўз шижоати меваларини йигиштиришга тушди. Сок Там чурқ этмай, фақат унга тунд боқарди. Ун Гок вазиятга аралашди:

— Буларни қўй ва ўқол!

Ко Чжук гайриихтиёрий равишда қоғозларни жойига қўйди ва орқасига тисарилиб чиқиб кетди. Лекин қизиқиш ва ташвиш уни қўшни хонага бекиниб кириш ва у ерда нима бўлаётганига қулоқ тутишга мажбур қилди.

Аввалига унга фақат қоғознинг шитирлашлари эшитилди, хонада чироқни ёқишига улгuriшганди. Кейин Ун Гокнинг овози қулоққа чалинди.

— Сен ҳатто уни ўқитмаганга ҳам ўхшайсан.

— Билмадим, балки у шогирдларим билан ва-лақилашгандир ва улардан нималарнидир ўзлаштиргандир. Мен уни ҳеч нарсага ўқитмаганман, — устознинг овози паст ва маъюс эди.

— Янада ажабланарлари! Ҳақиқатан ҳам Осмоннинг инъоми!

Устоз “ҳм” деди.

— Бари бир, нега уни шогирдликка олишни хоҳламайсан?

— Сен Ван Си-чжи¹нинг: “Инсон эмасга — таълим бермайман” деганини унутдингми?

— Демак, сен уни инсон деб тан олмайсанми?

— У иқтидорли... Ҳеч ким уни ўқитгани йўқ — иероглифининг шакли ажойиб; хаттотликнинг ўн икки қоидасини билмайди, бироқ ҳарф оралиқлари, нисбатларни, мўйқаламни айлантириш услубларини ҳис этади. У — тугма уста, аммо қобилиятлари биқинидан тешиб чиқади. Азоб-уқубатсиз иқтидорлик унинг қалбининг ҳақиқий асослар сари йўлига тўсиқ бўлади.

¹ Ван Си-чжи (321–379) — Мутлақ Доңишманд Хаттот номига сазовор бўлган Шарқий Цзинь давридаги машҳур хаттот.

— Сен, Сок Там, софдил, самимий одамсан — бу сўзларинг сенга ярашмайди. Нима учун ана шу асосларга йўлни ўзинг очиб бермайсан?

— Айтишга осон... У ёзувнинг исини, китобийлик рухини мутлақо ҳис этмайди... Аммо ўша “орхидея” жуда соз!.. У “шамол”нинг шиддати ва “оқим”нинг оқувчанлигига нақадар мос!

— Агар у сенинг шогирдинг бўлганида ёзувнинг исини, китобийлик рухини ҳис этмасмиди?

— У менинг шогирдим эмас. Уни фақат кийинтираман ва боқаман... У ҳозирги илмларни эгаллаб, ўз келажагини ўзи танлашини истайман.

— Кўйсанг-чи! Агар кўчадан кимдир келиб, ўзини ўқитишни сўраса, уни қувиб юборасанми? Шундай экан, бу йигитчага нега шу қадар соvuққонсан! У, мана неча йилдирки, сенинг еб-ичишинг ғамида эканлиги қулогимга чалинди, наҳотки шу қадар самимийлик ҳамдардликка муносиб эмас?

Ун Гок овозида гижиниш сезилди.

— Айлашга шошилма. Агар ростини айтсам, ўзим ҳам нима учун Ко Чжук мени шу қадар ташвишлантиришини билмайман. Аммо бу яхшиликка олиб бормаслиги ҳисси мени таъқиб қиласди.

Устознинг овози хиёл титрарди.



— Шундай бўлса... Агар сен ҳақиқатан ҳам иккиланаётган бўлсанг, йигитчани олдимга — ҳеч бўлмаса уч кунда бир марта юбор, бу етарли бўлади. Ундан шу қадар умидни узавериш мумкинлигига ишонмаяпман.

Хонага сукут чўкди. Бир оз вақтдан кейин Сок Тамнинг паст, лекин қатъий овози эшитилди.

— Сен ўзингни уринтириб ўтирма. У билан ўзим шугулланиб қўраман.

Сок Тамни нима безовта қилди экан? Ва нима охир-оқибат Ко Чжукни шогирдликка олишга мажбурлади? Чунки эртаси кун Ко Чжук расмий равишда устоз Сок Тамнинг шогирди деб эълон қилинди.

Аммо бу қандайдир тантанали маросим ўтказилишини қўзда тутмасди. Шунчаки устоз далага кетмоқчи бўлиб турган Ко Чжукни ёнига чақирди ва шундай деди:

— Бугундан бошлаб ишлагани борма, — бу йўл-йўлакай айтилди, холос.

Ко Чжук ўзини ўқотиб қўйди. Устоз унга қўз қирини ташлаб, бир оз овозини баландлатиб буюрди:

— Ҳамма нарсани жойига қўй-да, уйга бор.

Шу тариқа улар устоз-шогирд бўлдилар ва тақдирлари ҳам ойдинлашди.

Ко Чжук кимдир эшикни очганини эшитди; ўтган кунлар булутида сузиб юрган фикрлари

воқеликка қайтди. Паришонхотир хира нигоҳи билан эшикка қаради — хонага Мә Хян кириб келаётганди. Ко Чжукнинг умуртқаси бўйлаб ях суркашгандек бўлди, нигоҳи ойдинлашди. Ко Чжук гўё тавба қилганидек, яқинлашиб келаётган Мә Хянга боқарди. Йўқ, у эмас экан.

— Сиз, марҳамат қўрсатиб, уйгона қолдингиҳизми, отахон?

Бу Чху Су эди. У Ко Чжукнинг юзига қараб, унинг аҳволини аниқлашга интилиб, яқинроқ келди. Ко Чжук бу оддийгина ҳаракат кечагига қараганда анча кўп куч талаб қилганини сезди.

— Шарбат ичишни истайсизми, отахон?

Ко Чжук жавоб бериш ўрнига унинг афтига қаради ва тўсатдан ожиз, синиқ овоз билан сўради:

— Сен... онангни эслайсанми?

Чху Су ҳайрон бўлганича унга қаради.

Үйдан аёллар гойиб бўлгандан бери — етти йил ўтгандек, балки саккиз йилдир — Ко Чжук қизини ўзи билан олиб қолди. Қизи рўзгор ишлари билан банд, қартайган отасини парвариш қилас ва бирор марта бу каби саволни эшитмаганди.

— Йўқ, фақат фотосуратлари бўйича.

Бечора... Она қизини ҳали жажжилигига қишлоқдаги қариндошиникида қолдириб, яна ўз хунарини бошлади. Аммо икки йил ўтмасданоқ жонига қасд қилди.

— Отахон, нимани назарда тутяпсиз?

— Менга хонага сен әмас, онанг кирганга ўхшаб туюлди.

— ...

— Пешанасига қарыб-қартайиб ўлиш ёзилмаган бўлса ҳам қаёққа шу қадар шошилди...

Шундай деб у яна гамгин бўлиб қолди. Чху Су секингина унинг билагига туртди.

— Шарбат олиб келайми, отахон?

Отаси әшитмагандек узоқ вақт жавоб бермади, кейин оҳистагина деди:

— Мен, яххиси, чой ичсам бўларди.

Чху Су хонани шамоллатиш учун деразани қия қилиб, секингина чиқиб кетди.

“Ўшанда қандай шиддат мени шу қадар кучли ва қатъият билан жазм этганин?” — совиган чойни ҳўплар экан, ўйларди Ко Чжук, Мэ Хян билан учрашиб юрган пайтларни эсларкан. У устози Сок Там уйинни иккинчи бор тарқ этганида ўттиз беш ёшда эди; ўшанда у мамлакат бўйлаб изғиб, ўн йилини ўтказганди.

Бу вақтлар нотинч эди, лекин конфуцийчи олимлар ўзларининг соданлари билан ҳали сақланиб турганди; вақти-вақти билан хаттотлик, шеърият бўйича мусобақалар уюштириларди... Ўша йиллардаги тушкунлик ва саросималикнинг умумий манзарасида Ко Чжукнинг дарбадарлигини шукуҳли дейиш мумкин эди; бунинг сабаби унга шеърият, хаттотлик ва рангтасвирдаги истеъоди

учун “уч мукаммалликда устоз” деб аташадиган Сок Тамдан ўзига ўтган фавқулоддаги қобилият огуши ёки Ко Чжук ўз муваффақиятларига аввал ҳам айрим мусобақаларда голиб чиқиб, кейин Сок Тамдан таъна эшитиб юрганлиги сабаб бўлганми — буни биз билмаймиз. Ҳар ойда тахминан бир марта қаердадир албатта йигилиш уюштирилар, Ко Чжук унда албатта фахрли ўринни эгалларди; тагин ўша пайтларда исталган жойда рангтасвир сурати ёки хаттотлик ўрами учун анчага етадиган пул тўлайдиган бойваччани ҳали учратиш мумкин эди.

Худди шу пайтда Ко Чжук Чинчжуга келиб қолганди. Хаттотликда навбатдаги мусобақа туфайли ўн кун унинг учун узлуксиз зиёфатдек ўтиб кетди; у меҳмондорчиликни яна давом эттириш ниятида эди, бироқ қаердандир пайдо бўлган рикша¹ мусобақа ўтказилаётган уй олдида тўхтаб, Ко Чжукни чақириб беришларини сўради. Бу авваллари ҳам бўларди: навбатдаги бойвачча қўшнисидан қолишимаслик учун машҳур меҳмонни ўйига таклиф қилиб, файтон жўнатарди; одатда Ко Чжук бутаклифни рад этарди. Бу сафар урози бўлди ва ўзини маҳаллий конфуцийча маориф идорасига элитган аравага ўтироди. Идорада шу қадар тўкин дастурхон ёзилган эдики, столнинг оёқлари букилиб қолганди; дастурхон атрофида, нақадар

¹ Рикша — Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатларинда икки гилядиракли аравада одам ва юк ташийдиган ҳаммол.

ажабланарли бўлмасин, Ко Чжукни кутиб беш-олти япон ва икки-уч корейс ўтиради. Улар хаттотлик ва рангтасвирнинг қадрига етадиган маҳаллий идора раҳбарлари эди. Мэ Хян меҳмонларнинг кўнглини хуш қилаётган кисэн¹лардан бири эди. Зиёфат авжига чиққандা корейс амалдор — афтидан, меҳмондорчиликни уюштирган кисэнга мурожаат қиласр экан, тиржайиб деди:

— Хўш, сизлардан қайси бирингиз бугун кечқурун меҳмонимиз хизматида бўласиз?

Қизлар кулиб юборди ва улардан бири майдада қадам билан юриб, Ко Чжукка яқинлашди ва қизил юбкасининг этагини кўтарди. У ердан рангтасвир учун ҳам, хаттотлик учун ҳам жуда боп, катта ҳажмли хитой қоғозига ўхшаш оқ шойидан тикилган ички юбка кўринди. Кисэн йигирма икки ёшда эди — жуда гўзал бўлмаса ҳам, ўзини тутишида касбга айланган ишвагарлик сезилмаса ҳам унда тушунтириш мушкул бўлган нозанинлик ва жозибадорлик мужассам эди. Ко Чжук маст бўлганлигини сезган ҳолда мўйқаламлар қутисини очди.

— Исминг нима?

— Мэ Хян.

Қиз деярли ғашни келтирадиган тарзда жавоб берди. Ко Чжук илжайди:

¹ Кисэн (кинё) — Кореяда юқори табақага мансуб әркакларга зиёфатларда хизмат кўрсатадиган, мусиқа, рақслар, куйлаш, шөвриятга ўргатилган суюқоёқ аёл.

— Мә Хян дейсанми, “Олхўри ҳиди”ми? Ҳўп, қани биз олхўри суратини чизиб кўрайлик-чи...

У ўзини хотиржам ва пинагини бузмаётгандек тутишга ҳаракат қилаётган бўлса ҳам, мўйқалам тутган қўли титрарди ва буни идора эта олмаётганди. Сурат ғалати чиқди. Бунинг сабаби ўзи тарқ этган устози олдидаги айбининг ҳиссими — буни биз билмаймиз; аммо мўйқаламини қизнинг ички юбкасига суртаётган Ко Чжукнинг миясига келгани кисэн исмининг рамзи эмас, балки қаҷонлардир Сок Там томонидан солинган олхўри — қуриган қийшиқ дараҳт, ингичка синган шоҳлардаги икки-учта аянчли гунча ва худди устози услубидек тагсўёз: “Олхўри бутун умри бўйи совқотса ҳам ҳидини сотмайди”.

Биринчи қарашда бу тасвирида Мә Хян исми билан ҳеч қандай bogliқлик йўқ эди. Ўз ҳидини сотгандан кўра музлашга тайёр олхўрининг сўлий бошлаган енгилтак аёл ички юбкасига қандай алоқаси бўлиши мумкин? Бироқ шундан сўнг дарҳол ҳозиргача эслашга уяладиган ишлар бошланди.

— Сизнинг олхўрингиз нега шу қадар дийдидраган ва ёлгиз? — истеҳзо билан сўради кисэн.

У қизнинг этагига муҳрини босди ва секин, худди фақат Мә Хян учунгина деди:

— Сен ҳеч қачон Чжен Си — сю орхидеяларининг илдизлари кўринмаслиги ҳақида эшитганмисан?

Японларга гап фақат қишида музлайдиган олхўри дарахти тўғрисида кетаётганини тушунтироди, лекин Мэ Хян, афтидан, уни тўғри англаганга ўхшайди. Чжен Си — сю орхидеяларининг ялангоч илдизлари — ҳалок бўлган мамлакатга мотам рамзиидир...

Тунда Мэ Хян унга деди:

— Жаноб шундай аёзли оқшомда ички юбкамни ҳўллатишни марҳамат қилган эканлар, балки танамни ҳам иситарлар?

У Мэ Хян билан тўрт ой бирга бўлди; Ко Чжук гўёки маст эди. Унда мафтункор баҳор гулларига бурканган тоғдан ошиладиган ўркач каби хотиралар бир умр сақланиб қолди. Аммо ўркач ортда қолди. У рангтасвир ва хаттотликда ҳалок бўлган мамлакатини қўмсашини гавдалантираётган сонби; қиз эса Нон Гэ¹дек бағрида душман саркардасини қучганча, ўзини дарёга отишга тайёр кисэн эмасди.

У атиги ноаниқ, аммо қайноқ шижоат билан мамлакат бўйлаб изгиётган рассом, қиз эса — боръёги ота-оналари, ака-укалари, опа-сингилларини боқиши учун японларнинг кўнглини хуш қилаётган

¹ Нон Гэ — Чинчжу шаҳридан бўлган машхур кисэн. Япония билан уруш пайтида душман қўшинлари шаҳарни қўлга киритганларида Намган дарёси тепасидаги Чхоксонну минорасида зиёфат уюштирилган. Ана шу зиёфат вақтида Нон Гэ япон ҳарбий қўмандонини ўзига жалб этиб ва уни маҳкам қулоқлаб, баланд жардан у билан бирга ўзини дарёга отган. Кейинчалик ушбу жойда ибодатхона қурилган.

хонанда ва раққоса әди. Улар газабнокликсиз, қайғусиз ажралдилар; Мә Хян кисэнлар гуруҳига қайтиб келди, Ко Чжук эса синфдошларидан бири уюштираётган Чончужудаги кўргазмага йўл олди. Шундан кейин улар бир-бирларини учратмадилар.

Келгуси йилнинг кузида эса Ко Чжукка Мә Хян, ҳамманинг ўйлашибча ундан бўлган, қиз кўрганлигини хабар қилишди. Ўша пайтда у Сорак тоғларидаги ибодатхоналарда кезарди ва узоқ ўйлаб ўтирасдан чақалоқقا Чху Су — “Кузги сувлар” исмини қўйди. Ўзининг шаффоғлиги ва мусаффолиги билан юракни зириқтирадиган тоғ ирмоқларининг суви... Бу, Худо билади қаердан пайдо бўлган, қизчанинг келажаги башорати эмасмиди?

Бир неча йил ўтгач, у Мә Хян вафот этганингидан хабар топди. Мә Хян қайсиdir бойнинг сурайёси бўлган, хўжайиннинг катта хотини томонидан тирноқ остидан кир излашларига ва мазах қилишларига чидай олмасдан огу билан заҳарланиб, ёш умрини хаizon қилган экан.

Эҳтимол, буни ҳиссиётсиэлик ҳам дейиш мумкиндир, бироқ у ҳатто Мә Хяннинг фожиона ўлимини эшишиб ҳам ортиқча қайғуриб ўтирамади. Фақат йўл-йўлакай Мә Хян ундан қиз кўрганлиги ёдига тушиб, бир лаҳзагина кўнглида: “Етимча қаерда экан? Нима қилаётган экан?” деган саволлар туғилди. Бошқа ҳеч нарса.

У Чху Суни биринчи бор мактабга қатнай бошлаганида кўрди. Маълум бўлишича, Мэ Хян умрига зомин бўлган касб-коридан бир оз пул тўплаб, укасига қолдирган экан. Шунинг учун тогаси етим қолган жияни тўғрисида гамхўрлик қилишни ўз бурчи деб ҳисоблаб, Чху Суни нуфузли мактабга ўқишга берибди. Ко Чжук баъзан қизини кўргани бораради.

Ко Чжук bemаза гуруч қайнатмасини ичди ва ўзини ўрнидан туришга мажбуrlади. Чху Су унинг товогини олди ва отасининг қўлтигидан тутганча сўради:

- Бугун ҳам юришга марҳамат қиласизми?
- Шундай қилишга тўғри келади.
- Ахир кеча кечқурун фақат вақтингизни зое кетказдингиз! Бугун ҳам, афтидан, ўша Кимдан бошқа ҳеч ким бўлмайди.
- Бари бир.

Ко Чжук ўтган йил ёзида касалхонадан чиққанидан бери ҳар куни суратлар галереяларига боришини одат қилганди. Қаердадир унинг асалари пайдо бўлиши билан даставвал нега шундай иш тутаётганини тушунмаса ҳам, чиқимларга қарамасдан, уларни сотиб оларди. Аммо энди астасекин бир қарорга келаётганди.

Бу ўлимини равшан ҳис қилаётганилиги билан боғлиқ эди. Уни даволовчи врач, доктор Чон Ко Чжукни соппа-соғлигига ишонтирган бўлса ҳам

касалхона хулосасидан берилган кўчирма сўнгти ҳукм эди. Бундан ўз ҳамдардлигини изҳор қилгани келаётганларнинг кети узилмаётганлиги ва отаси орқасидан соядек муттасил эргашиб юрган Чху Су кўзларидағи қайғу ҳам далолат берарди. У касалхонадаги каби қаттиқ оғриқларни ҳозир сезмаётган бўлса ҳам танасининг ҳужайралари бирин-кетин ўлаётганлигини ҳис этарди.

— Чо Хондан дарак бўлмадими?

Чо Хон тахаллусидан ҳозиргина Чху Су тилга олган Ким фойдаланаарди. У Ко Чжукнинг ўзи адабий номларини топиб берган шогирдларининг сўнггиси эди; йигитча уларнинг уйида овқатланарди.

— Ярим соатдан кейин келишини айтди. Аммо бугун сиз...

— Йўқ, бари бир бир айланиб келиш керак. Бўл, отланайлик.

У ўзини тўхтатмоқчи бўлган Чху Суга газаб билан қаради ва юриб кўрмоқчи бўлди. Лекин бир неча қадам қўйишга ҳам улгурмасдан кўз олди қоронгилашиб кетди, гавдаси эса гўё қаерларгадир қулаётгандек туюлди. Чху Су уни безовталаниб кузатиб турди ва отаси тўшагига ўтириши билан сездирмай хонадан чиқди. Ко Чжукнинг кўзлари олдида яна ўтмиш манзаралари лип-лип ўта бошлади.

Уларнинг устоз билан учрашгани ҳақиқатан ҳам тақдир эканмикин? Ко Чжук ҳатто Сок Там

шогирдлари сафига кирганидан кейин ҳам уларнинг аломат муносабатларида ҳеч нарса ўзгармади. Ко Чжук аллақачон улгайган, бироқ устози у билан ҳамон қандайдир ички ёқтираслигини ва гижинишини енгиб ўта олмаётгандек муносабатда бўларди. Улар низом дастхатини ўрганишдан бошлидилар. Ко Чжук қўлига мўйқалам олишдан аввал устозининг буйруги бўйича машҳур Чху Са томонидан тузилган “Хаттотлик маҳорати сирлари”ни ёд олди.

“Ёзув шаклида биринчи қоида қуийдагидан иборат бўлиши керак: аввалига қалбингни ҳамма беҳаловатликлардан халос қил, кейингина қўлингта мўйқалам ушла. Сенинг ҳаракатларинг фалакнинг айланиши каби бўлиши керак: самонинг ўртасида осмоннинг ўқи жойлашган. Унинг атрофида айланиш рўй берадиган жанубий қутби ва шимолий қутби бўлгани каби мўйқаламнинг ҳаракати қўл панжалари билан, қўл панжалари ҳаракати бармоқлар билан, бармоқларнинг ҳаракати билак билан, билакнинг ҳаракати қўл билан, қўлнинг ҳаракати елка билан амалга оширилади — тана бутун ўнг ярмининг ҳаракати шу тарзда содир бўлади...”

Унча катта бўлмаган, тўрт юзтacha иероглифдан иборат “Хаттотлик маҳоратининг сирлари” ушбу жумлалар билан бошланган. Уни бирорта белгини ҳам тушириб қолдирмаган ҳолда гапириб бериш

керак эди. Кейин Ко Чжук устозидан яширин равиша бир неча марта кўчириб олишга улгурган Таннинг буюк хаттоти Янь Чженъ-циннинг ҳуснихатини ўзлаштириб олиш талаб этиларди.

— Буни юз марта ёзиб чиқсанг — ҳуснихатинг бошқаларга намуна бўлади; буни минг марта ёзиб чиқсанг — мақтов эшитасан; буни ўн минг марта ёзиб чиқсанг — сени машҳур хаттот деб аташади.

Шу билан йўл-йўриқ тугади. Агар буни ҳаёти-нинг аввалги даври, Сок Тамга шогирд бўлгунча пайт билан таққослаб кўрса, фарқи катта эмас: очиқойдин машқ қилиш мумкин ва икки кун устоз Ун Гук олдига бориб, қадимги классиклар асарларини ўқийсан. Уч йил ўтгандан кейингина устоз унга эътибор қаратди:

— Нафас олишингни ушлаб тур!

Бу пайтга келиб Ко Чжук ҳуснихатларни камида уч минг марта қайта ёзиб чиққанди ва бари бир белгилар сафга текис тизилмасди — Ко Чжук умидсизланиб, тақдиридан ўкина бошлади.

Расм чизишда ҳам шундай эди. Ко Чжук қора сиёҳ билан тошлар орасидаги тўртта асл ўсимлик — олхўри, орхидея, хризантема ва гаровни тасвирашга ҳаракат қилганида, Сок Там унга машҳур тэвонгун¹ Хин Сон²нинг ўзи томонидан

¹ Тэвонгун — фахрий унвон.

² Хин Сон (1820–1898) — сўнгти Чосон сулоласи давридаги машҳур сиёсий арбоб. У рангтасвир ва хаттотликдаги истеъоди билан ҳам ном қозонганд.

ишлиңган қимматбаҳо ўрамдан нусха кўчирилган расмлар тўпламини берди.

— Будда ҳолатида ўтириш Будда бўлишни англатмайди, бирор воситасиз аждаҳони тута олмайсан. Фақат кўп марта уринишлардан кейингина бирор нарсани эплай оласан.

Шу билан йўл-йўриқ бериш тугади.

Устоз шогирди мўйқалами остида туғилаётган орхидеяга Ко Чжукнинг елкаси орқали қараб турадиган пайтлар ҳам бўларди, лекин бунда у бирор марта бир оғиз ҳам сўз айтмасди, ҳеч нарсани тўғриламасди, раҳмдиллик кўрсатиб, бирор нарсага ўргатмасди. Фақатгина Ко Чжукка расми орхидеяга ўхшай бошлаган деб туйилганида устоз аввалги кўрсатмаларига биргина жумлани қўшди:

— Бошқатдан бошла. Тошни чизаётганингда эса мўйқалам чапдан ўнгга сурилади.

Умуман олганда, Сок Там шогирдининг муваффакиятларидан унчалик қувонмасди. Ко Чжук шогирдликка қабул қилингандан кейин ўн йил чамаси ўтганида унинг қобилияти синфдошларининг самимий таҳсинларига сазовор бўлди. Бироқ устоз Сок Там буни эшитган заҳоти олқишишларга совуққонлик билан барҳам берди:

— Ҳозирча у атиги намуналарга тақлид қилишга ўрганди.

Ко Чжук йигирма етти ёшида яна устозининг ўйини тарқ этганлиги Сок Тамнинг совуққонлиги

ва эътиборсизлигига жавоб бўлганди. Аммо ажабланарлиси шунда эдики, уни ўзгалар қанчалар кўп олқишилаганлари сари у устози оғзидан мақтov сўзини эшитишга шу қадар ташна бўлаётганди. Бу уни яна қайтиб келишга ва кечиришини сўраб илтижо қилишга, яна икки йилча сабот билан ҳақоратланиш ва жирканишларга тоқат қилишга мажбурлади.

Ушбу йиллар давомида у аввалгидек хизматкор ишини бажаарди: ер ҳайдар, экин экар, ҳосилни йигиштириб олар, ўтин майдаларди. Сок Там эса ҳатто у билан тўқнаш келиб қолишдан ўзини олиб қочарди. Бир сафар сабри тугаб, Ко Чжук мўйқаламни қўлга олишга жазм этди. У буни сир сақлаш ниятида бўлса ҳам устоз ҳаммасидан воқиф бўлди ва жирканиб деди:

— Бор, қўлларингни юв. Сенинг қора сиёҳингдан фоҳишанинг упаси ва бўёқларидан ҳам қўлансанроқ ис келяпти.

Кейинроқ устоз Ко Чжукни кечирди ва яна машқ қилишига изн берди, бироқ шундан сўнг ҳам Сок Тамнинг шогирдига муносабати ўзгармади. Аксинча, Ко Чжукнинг дастхати чархланиб, тобора нафис бўлиб боргани сари устозининг тунд нигоҳида тушунарсиз безовталик чақнай бошлади. Бироқ Ко Чжук умидини узмади. У умрининг деярли ярми давомида устозининг совуққонлиги ва бепарволигидан азоб чекди ва шу давр ичи-

да фақат уларга одатланибина қолмасдан, шунингдек, жўрттага ўқитувчисида беҳаловатлик ва алам уйғотишни ўрганиб олди, ҳатто унинг газаби қайнаши ва хўрсинишларидан қандайдир мамнуният ҳосил қиласидиган бўлди. Шунга қарамасдан, ўқитувчи ва ўқувчининг бундай баҳтсиз қарор топган муносабатларига узил-кесил барҳам бериладиган кун келиши муқаррар эди. Сок Тамнинг ташвишланиши ортиб борарди, Ко Чжукнинг эса ўзига ишончи ортаётганди.

Моҳият жиҳатидан, уларнинг ижодга қарашлали мос туша олмасди. Сок Тамнинг асаларидан у шижоатни қадрлаши ҳис этилар, асосий эътиборини буюмларнинг руҳи ва ички табиатига қаратарди. Ко Чжук эса, энг аввало, гўзалликни қадрларди, ўз ишларида ҳиссиёт ва моҳиятни ифода этишга интиларди. Сок Там учун сурат — руҳнинг ифодаси, Ко Чжук учун — буюмнинг тасвири эди.

Сок Там ҳаммасидан ҳам гаров ва олхўрини тасвиrlашни ёқтиради. Аммо, ажабланарлиси шунда эдики, Япония мамлакатни босиб олган пайтдан устозга аввал завқ берган гаров ва олхўри тасвиrlари гаройиб тарзда ўзгара бошлади. Илгарилари улар қуюқ барглари, гунчаларининг қўплиги ва умуман ҳаётий кучи билан ажралиб турарди; энди эса йилдан йилга тобора заифлашар, сўлир ва қуриб, хазон бўлаётганди.



Шунинг учун, устози қартайганида, у чизган гаровларида икки-учтадангина барг қолганди, олхўрида эса ҳеч қачон бештадан ортиқ гул бўлмасди. Бу Ко Чжукнинг гашига тегарди:

— Нега устоз гаровдан баргларни узиб ташлашга ва олхўри гулларини шилиб олишга шахт қилдилар?

Ко Чжук энди улгайганди, Сок Там эса ҳозир унга нисбатан аввалдагидек ўжар ва инжиқ муносабатда бўла олмасди. Шунинг учун шогирд бундай савол беришга журъат эта олганди.

— Ҳалок бўлган мамлакат гарови қайси қувончдан сербарг бўла олади? Таг-томири билан йўқотилган сулоланинг уятли ҳаёти сақлаб қолинган амалдори олхўрини гуллашга мажбур қилиш учун куч-қувватни қаердан олади?

Чжен Си-сю орхидеяning яланғоч илдизлари орқали ҳалок бўлган Сун сулоласига қайғусини ифода қилган. Чжао Мэн-фу подшоҳга садоқатини бузди ва янги сулолага хизмат қилишга ўтди. Аммо менга фақат Чжен Си-сюонинг орхидеялари хушбўй ис тарқатади, Чжау Мэн-фунинг қор босган қарағайларигина нафратланишга муносиблигини эшитишимга тўғри келмаган.

Рангтасвир ва хаттотлик — руҳнинг ифодаси. Буюмнинг аниқ кўриниши мени чеклаши керакми, ахир?

Агар хаттотлик ёки рангтасвири атиги дунёга қайғу ва аламни маълум қилиш воситаси деб ҳисобланадиган бўлса, санъат маънисиз машгулотга айланиб қолмайдими? Шундай бўлса, эркак бўлиб туғилиб, бир умр қора сиёҳни суртиш ва қоғозни сарф қилиш уят эмасми? Буни билмайман, албатта, бироқ сизни мамлакат тақдири шу қадар ташвишлантираётган бўлса, тогларга чиқиб, бошқа ватанпарварлар билан бирга жанг қилиб, ҳеч бўлмаса битта душманни ўлдириб, ҳалок бўлиш муносиброқ ҳисобланарди. Хонада ўтириб, гаров баргларини юлиш ва олхўри гулларини сидириш — ўзингни ҳам, ўзгаларни ҳам алдаш демакдир.

Бундай эмас. Тасвиrlаётган буюмiga садоқатни ҳаммадан ҳам яхшироқ ифода этувчи — қўчаларда расм чизувчиidir. Лекин унинг суратлари сариқ чақага арзийди, кейин булардан ўрам қоғози сифатида фойдаланишади, зеро уларнинг маъноси саёз ва тутуриқсизdir. Сен маҳоратингни чизиқларга сарфлаб, суратнинг қийматини оширишга тиришасан, аммо ижодда юксак руҳ намоён бўлмас экан, расмдаги қора ранг шунчаки қора сиёҳ, оқи эса — шунчаки қоғоз бўлади.

Бошқа сафар улар санъат ва дао¹ тўғрисида гаплашдилар. Ко Чжук:

¹ Дао — II асрда шаклланган, диний ва фалсафий унсурларни қамраб олган, борлик, коинот, дунё яхлитлигининг ўзига хос қонунларини мужассамлаштирган анъанавий хитой таълимоти.

— Санъатда асосийси нима: тугма қобилиятми, эгалланган кўникмами ёки даога амал қилиши ми? — деб сўради.

— Даога амал қилиш.

— Нима учун ёзиш қобилияти ва ёзиш кўникмаси тўгрисида гапиришади?

— Қобилият — даонинг нурланиши, кўникма эса — унинг пўстлогидир. Агар даога амал қилинмаса, қобилият ўз ифодасини топмайди ва кўникма эгалланмайди.

— Айтишларича, агар қобилият такомиллаштирилса, даога эришиш мумкин. Шундай бўлса, эҳтимол, қобилият нурланиш эмас, балки даога элтувчи йўлдир?

— Косиблар шундай дейишади. Дао ҳамма нарсани қамраб олади.

— Шундай экан, шогирд, энг аввало қалбини поклаши керакми?

— Ҳа. Шунинг учун ҳам Ван Си-чжи “инсон эмасга таълимимни бермайман” деган. Энди сен, балки, бу сўзларни англаб етарсан.

Сок Там шогирдининг юзига ташвиш билан боқарди. Лекин Ко Чжук ҳечам унинг умидларини оқламоқчи эмас.

— Сиз аввал одам бўлиш керак деяпсиз, шундай бўлса нега мишиқиларга мўйқалам тутқазиш ва уларни иероглиф белгиларини чизишга мажбурлаш керак? Агар, сиз айтганингиздек, даога амал қилиш

ёзиш кўникмасини эгаллашдан аввал бошланиши керак бўлса, кўпчилик ҳаётлари даврида қўлларига мўйқалам ушлашга улгурадиларми?

— Қобилиятни такомиллаштириб ва кўникма ҳосил қилиб, қачон дао билан бирлашиб кета олишларини кутишади. Агар бутун умр машқ қилинса, маҳорат ва кўникмага эга бўласан. Шунда даога амал қилиб биргина қадам қўйсанг, ҳақиқий рассом бўласан. Дао билан бирлашиб ижод қилиш санъатда ўз йўлингни топишни англатади.

— Аммо бунда кўникма бари бир даодан олдин пайдо бўлишини билдиради. Ахир бу аравани отнинг олдига қўйиб эгарлаш билан баробар-ку.

Ко Чжукда таълим олишга киришгандан бери кучайиб бораётган эътиroz отилиб чиқди. Бироқ устознинг жавоби ҳам чўрткесар бўлди, зеро унинг қалбида биринчи кундан жой олган ташвиш ниҳоят ўзини оқлади.

— Сен, аҳмоқ, китобийлик руҳини ҳис этиш, битиклар муаттар ҳидини англаб етишни ўрганиш учун асло қайғурмайсан! Бунинг ўрнига валдираганинг валдираган! Сен мумтоз қонунлар ва китоблар моҳиятини тушунмайсан, ахир! Сен наэм ва насрдан лаззатни туймайсан. Нақадар шармандалик! Қўлни машқ қилиб, аянчли тақлид қилишдан нарига ўта олмаслик. Ҳеч бўлмаганда бунга уялишинг керак эди — йўқ, бунинг ўрнига буюкларни муҳокама қилмоқчи бўласан.

Кўп ўтмай уларнинг муносабатларида туб бурилиш юз берди. Ўшанда Ко Чжук ўттиз олти ёшда эди.

Бу вақтга келиб унинг паймони тўлганди. Ко Чжук яна Сок Там олдига қайтиб келгандан ўтган саккиз йил давомида у жон куйдириб, деярли руҳий тушқунликда таҳсил оларди; сабот ва қунт билан — узоқ соатлар давомида жойидан қўзғалмасдан рангтасвир ва хаттотликда шундай берилиб машқ қиласарди, ёзда доим ўтиришидан қизариб кетадиган думбаси чираб бўлмас даражада ачириди, қишида эса совқотган оёқлари ниҳоятда увишарди. Устозининг нафратланишидан асло таъсиранмасдан, у рангтасвир ва хаттотлик билан боғлиқ бўлмаган нарсаларга эътибор бермасди. Бунга қадар у ўн йил Сок Там шогирди сифатида кун ўтказган бўлса ҳам бевосита ана шу саккиз йил Ко Чжук хотирасида ҳаётининг энг сермазмун даври бўлиб сақланиб қолди. Ўша ўн йил устозга яқинлашиш учун кетди; ундан кетиш, халос бўлиш, эркинликка чиқиш учун саккиз йил талаб қилинди.

Бу даврда Ко Чжукнинг рангтасвир ва хаттотликтаги маҳорати энг олий етуклик даражасига етди, шунинг учун у аста-секин ном қозона бошлиди. Тўгри, турлича фикрлар мавжуд, аммо баъзи бирорлар ҳозирга қадар Ко Чжукнинг бевосита ўша даврдаги истеъодод ва илҳом уфуриб турган

ишлари унинг энг юксак ютуқларидан бири деб ҳисоблайдилар. Бироқ Ко Чжукнинг ўзи бу ишларда қандайдир сохталикни ҳис қила бошлади — бу уйига ўт тушган одамнинг бошпанасизлиги ва тушкунлиги туйғусига ўхшаб кетарди.

Бундай ҳиснинг, афтидан, икки сабаби бор эди. Биринчидан, Ко Чжукнинг ёшлиқ йиллари, ўзига түйилишича, қайсибир қора сиёҳ ва қофозлар дунёсига маънисиз оқиб кетганди. Ун Гок кейин унга иккита бола туғиб берган хотинни никоҳлаб берган бўлса ҳам, бу аёл унинг учун суқланиш ва эҳтирос маҳбубаси эмас, балки худди жавон ёки ёзув столи каби зарур ашё бўлганди. Унинг ёшлиги, унинг орзулари, унинг муҳаббати, унинг интилишлари — ҳамма-ҳаммаси таълимга, таълимга кетди... Энди эса унинг ҳаёти кеч кузда шамол ва ёмғир остида шоҳда ёлгиз аянчли титраб, қалтираб турган саргайған япроқقا ўхшарди; ўзи қўзлаган, унинг учун ҳамма нарсани қурбон қилган мақсади эса тог чўққилари занжири узра кўприкдек әгилган камалак сингари олисда қолганди.

Иккинчидан, Ко Чжук аста-секин йирик рассом ва хаттотга айлангани сари сохталик туйғуси олдида тобора қўпроқ кўндаланг бўлаётган ўз истеъдодининг маъниси тўгрисидаги масалага ўт қўярди. Шу заминда эркак бўлиб туғилиб, бутун умр қора сиёҳни суртиш ва мўйқалам билан овуниш... Бу вақтда эса кимдир ватанини озод

қилиши учун жонини қурбон қилмоқда; кимдир тинимсиз ташвишлар билан ватандошларига илм нурини әлтмоқда; кимдир амалий билимларни әгаллаб, ўзини жамиятта хизмат қилишга бахшида қилди. Ко Чжук умрининг ярми нима билан ўтди? Ахир у ҳамма вақт ўзи ҳақида ўйларди ва тер тўкиб ишласа ҳам бу меҳнати, моҳиятига кўра, фақат ночор ва зерикарли турмушдан қочиш бўлди. Бу меҳнат кимга керак эди?

Маъюс куз куни сўниб бораётганди... Жуда шарти кетиб, парти қолган Сок Там қоғоз ва мўйқаламни қўлга олиш учун бордондан аранг кўтарилди. Катта мўйқалам, қирқилмаган, бутун варақ — ўша пайтда булардан деярли фойдаланишмасди. Бу вақтга келиб, бир неча ойдан бери ишга киришмаган Ко Чжук устозининг ўжарлиги ўзида тушуниб бўлмайдиган гижиниш ўйготишини ҳис этди ва қора сиёҳни аралаштириш кераклигини айтиб, хонадан чиқди. Унга устози, Сок Тамнинг хаттотликка ўтакетган даражада берилиши шогирдини ҳайратга solaётгани кулги ўйготаётгандек туйилди. Бироқ у изтиробда ҳовлида сайр қиласи экан, қалбида қизиқиши гимиirlаб қолди.

У хонага кирди ва устозининг мўйқалами сиёҳден четида ётганлигини кўрди — устознинг ўзи эса кўзини юмиб, аранг нафас оларди. Қоғозга “Сонсаноқсиз соchlар биргаликда — куч” ҳикматининг

дастлабки уч иероглифи битиб бўлинганди. Сўнгти иероглиф — “куч” ёзилмаганди — устоз уларни битишга улгурмаганди.

— Айтишларича, Со Чже етмиш саккиз ёшида кунжут донига тўрт иероглиф: “Осмон остидаги буюк дунё”ни битишга муваффақ бўлган. Мен ҳали етмишга тўлмасам ҳам бир уринишда тўрт иероглифни ёзиш учун қувватим етмай қолди.

Устознинг ожиз овози ҳозир нақадар мунгли эшитиларди! Лекин Ко Чжук бу сўзларни эшитганида кунма-кун ўзи босиб турган газаби миясига урилди. Сок Тамнинг беҳоллиги Ко Чжукда ҳамдардлик уйғотмади, аксинча, у гайриодатий енгилликни ҳис этди.

— Агар сиз уларни бир ўтиришда бита олганингизда-чи? Агар Олтин қанотли қуш сизнинг столингиздан тўппа-тўгри осмонга отилган бўлсанчи, агар хонангизга тўсатдан фил кириб келса-чи — буларнинг сизга нима дахли бор?

Мутлақо кучдан қолган Сок Там аввалига шогирдининг гапларидан гаранг бўлди. Лекин бир лаҳзадан сўнг бу сўзларнинг асл маъносини тушуниб, унга қаҳро билан назар ташлади.

— Бунга қандай ҳаддинг сифди? Ҳақиқий рассом руҳининг ана шундай юксак ҳолатга эришишини орзу қиласи. Ҳеч бўлмаса бир марта!

— Майли бунга эришдингиз ҳам дейлик, аммо бу одамларга нима беради? — тилини тиймасди Ко Чжук.

— Ҳали Тиёншон¹ тогига чиқмасдан туриб Осмон остидаги ўлкада баландроқ төг йўқми деб ҳовлиқяпсанми? Сенинг-ча, чўққини забт этганлар ва исмларини абадулабад шон-шуҳратга буркаганлар бефойда иш билан шугулланганларми?

— Улар ўзларини ва бошқаларни алдаб келганлар. Майли, даода қоғозни сиёҳ билан булгаш бўла қолсин, нима бўпти? Бунда қандайдир сирлилик бор, бу жуда улкан воқеами! Ҳатто ўғрилар ва қассоблар ҳам ўз даоларига амал қиласидилар. Ҳатто кулоллар ва темирчилар ҳам ўз даоларига риоя қиласидилар. Ўз исмингни мангаликка муҳрладинг деб хоҳлаганча гапиравер — майли, мендан кейин иероглифлар битилган қоғозлар қолсин, авлодлар кўз ўнгида ўралашиб, жонга тесгин, бунинг қандай нафи бор? Ҳатто қабртошларини ҳам шамол ва ёмғир емиради. Шундай экан, қоғоз билан қора сиёҳ қанчага чидайди? Бундай мерос ҳеч кимнинг турмушини яхшилай олмайди, ҳеч кимни тўйдирмайди ва иситмайди. Сиз эса бу маънисизликни бекитиш учун гўёки ўзингиз эришган руҳнинг қандайдир таърифлаб бўлмайдиган, ақл бовар қилмайдиган даражасига эришдим деб маъқуллаганингиз-маъқуллаган.

¹ Тиёншон — Хитойдаги бешта муқаддас тогдан биттаси.

Кескин зарбдан Ко Чжук пешанасини ушлаганча, чалқанчасига үйқилди: ғазабланган устози унга сиёҳдоннинг тошдан ясалган қопқогини отганди. Ко Чжук қон босган кўзини артар, қулогини эса қари ўқитувчисининг телбанома бақириши ёрай дерди.

— Аввалбошдан сенинг разил суюклигининг сезардим! Йўқол! Сенинг жойинг бозорда — лавҳаларни чаплаш. Сен ўзингни рассом қилиб кўрсатмоқчи бўлиб, шунча йил қўлимда ўқидинг — энди сенга ҳар қандай бўёқ суркашингга, балки, бир қопдан гуруч беришар!..

Улар бошқа кўришишмади. Ко Чжук устозининг уйини дарҳол тарқ этганидан кейин бу ерга Сок Там тобутга тушгандан сўнггина келиб қолди.

У ўзининг ажинлар чуқур из қолдирган пешанасини ушлаб кўрди. Чандиқ деярли сезилмасди. Хотирасида устозининг чехраси гавдаланди — нафрат ҳам, қўрқув ҳам йўқ, фақат қайғу...

— Отахон, Ким келди.

Чху Сунинг товуши уни яна хотираларнинг чексиз оламидан сугуриб олди. Эшиқдан Чхо Хоннинг боши кўринди.

Ко Чжук Чхо Хонга одатда кеч тугилган фарзандга нисбатан бўладиган алоҳида меҳрибонлик кўрсатарди. Бунинг сабаби шогирдининг юмшоқ, кўнгилчан табиати эдими? Ёки ўзининг самимий ғамхўрлигими? Лекин ҳаммаси, афтидан,

Чо Хоннинг дастхати билан боғлиқ әди. Бу шогирди ҳали мўйқаламни тўғри ушлай олмасдан туриб, ярим тез ёзувни эгаллаб олди; кейин низом бўйича ёзувнинг уддасидан чиқмасдан тез ёзув ва ҳарфларни чирмашган усулда ёзишни ўрганди. Ҳозирги ёшлардан фарқли равиша, Чо Хон ўз дастхатини яратишга роса уч йил сарфлади. Завқшавқ, ҳавас қилса бўладиган сабот ва муқимлик билан етти йил давомида мумтоз китобларни ўрганди. Шу билан бирга у камтарин, ўзига талабчан әди, ҳовлиқмасди; ушбу баҳорда Ко Чжук шогирдлари ишларининг кўргазмасига тортиниб, фақат иккитагина хаттотлик ўрамини таклиф қилди. Чо Хоннинг дастхати бир оз нотекис, аммо қандайдир галати куч билан тўлиб-тошганди; у Ко Чжукка ўзи ёшлигида рад этган ва ҳозир, йиллар ўтиши билан тобора чуқур маъноли бўлиб туйилаётган Сок Там ёзув услубини эслатарди.

— Бугун ҳам айланиб келиб, бизга марҳамат қилдингизми? Чху Су хонимдан эшишишимча, сизга ҳаракат қилиш у қадар қулай әмас, мушкулроқ экан...

Чо Хон эрталаб қартайган устозининг соглигидан хабар олиш учун уни безовта қилишга жазм эта олмаганидан ҳозир ўзини ноқулай ҳис этарди. У шундай ҳам дудуқланарди, ҳозир эса хижколатлигидан жуда тушунарсиз гапиради.

Ко Чжук у билан хушмуомала бўлиш учун юмшоққина қилиб деди:

— Ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Лекин бари бир бугун бир оз магазинларни айланиб келамиз. Ҳа, айтгандек, кутубхона нима бўлди?

— Уларнинг айтишича, ҳеч нарса қилиб бўлмайди, ҳаммаси каталогга киритилиди.

— Қанча пул тўланса ҳамми?

— Жаноб директор асло иложи йўқ деди.

— Билармонлик қилишяпти. Директор билан шахсан ўзим гаплашишимга тўгри келадиганга ўхшайди.

— Бу бугун сиз учун шарт эмасди...

— Бекор гап. Яхшиси машинани келтир.

Чо Хон индамай чиқиб кетди. Унинг юзидан ажабланиш ифодаси сезилиб туарди, аммо бугун ҳам устози нега қатъият билан ҳамма жойдан ўз ишларини сотиб олаётганлигини сўрай олмади.

Кун илиқ, ёқимли эди. Ко Чжук шогирдининг қўлига суюниб, бадиий буюмлар магазинлари ва дўкончалари жойлашган мавзеда машинадан тушди. У бу ерга неча ойдан бери келарди.

— Э, муҳтарам Ко Чжук марҳамат қилибдилар. Сизни койитишга мажбурмиз, ҳозирча бирор янги нарса йўқ. Мазангиз қочипти, деган овоза тарқалди — шунинг учун ҳамма асарларингизни ушлаб туришибди, ҳеч ким ҳеч нарсангизни келтиrmаяпти.

— Ко Чжук йўлида давом этди.

Ко Чжукни яхши танийдиган бадиий буюмлар магазинлари эгалари уни ҳурмат билан қарши олардилар. Бироқ излашлари ҳозирча бесамар эди. Фақат бешинчи ёки олтинчи дўкончада унинг нигоҳи тўсатдан таниш ўрамга тушди. Ярим тез ёзув. Ко Чжукнинг имзосида “ко” бўгини одатдагидек “қадимий” иероглифи билан эмас, балки худди шундай эшитиладиган “ёлғизлик” иероглифи билан ифодаланганига қараганда ўрам Ко Чжук иккинчи бор Сок Тамни тарқ этган вақтга тааллуқли эди.

— Бунинг учун сенга Ун Гок мўйқаламига мансуб орхидеяни бераман. Розимисан?

Дўконча хўжайнини бундай таклифдан самимий хурсанд бўлди. Исмнинг биринчи иероглифи “ёлғизлик” бўлган ўрамлар умуман у қадар юқори баҳоланмаслигини қўяверинг — мазкур ҳолатда биринчи қарашданоқ асар унчалик муҳим аҳамиятга эга эмаслиги сезилиб туради. Ко Чжук назарда тутган Ун Гокнинг орхидеяси қандайлигини дўконча хўжайнини билмасди, лекин бадиий буюмлар магазинларининг эгалари анчадан бери Ко Чжук билан бундай айрибошлашлардан зарар кўрилмаслигини гапириб юрадилар.

— Муҳтарам Ко Чжукка хизмат кўрсатишдан мамнунмиз, — деди дўконча хўжайнини суҳбатдошидан очиқ миннатдорчилик кутиб.

— Раҳмат. Суратни кейинроқ мана шу йигит орқали юбораман, — Ко Чжук Чо Хонга имо қилди.

— Ташвишланмай қўя қолинг. Ўзим олдингизга бораман. Кечқурун борсам, сизга қулай бўладими?

— Ҳа.

Дўконча хўжайини ўрамни олиб, уни қутига жойламоқчи бўлди.

— Ҳожати йўқ. Қандай бўлса, шундайлигича беравер.

— Бир оз дам олиб, яна йўлга тушамиз, — деди у, аслида ҳеч кимга мурожаат қилмасдан.

*Кузги рангдор шудринг томади,
қуюқ булат бурқирайди.*


*Муаллақ зар қогоз тасмалариdek,
ҳарир буутлар кумуш тус олади.*

Ёзув услубига кўра, бу ўша вақт Ко Чжук тез ёзувга берилиб кетган Хуан Шань-гу¹га тақлид эди. Иероглифларнинг чизиқлари гўё биринкетин кўчиб кетаёттандек туюларди — бу шеърлар бир чойнак май учун ёзилган бўлиши керак. Ко Чжук қалбида ўтмиш надомат, пушаймонлик билан акс садо бермади — йўқ, қандайдир софлик, симиллаш эсгандек бўлди...

¹ Хуан Шань-гу — Сун даврининг машҳур хитойлик шоири ва хаттоти Хуан Тинцзян (1045–1105)нинг тахаллуси.

Сок Тамни тарк этганидан кейин Ко Чжук бир оз вақт устоз уни ўзи қувиб юборганига ўзини ишонтирган бўлди. Ко Чжук пала- partiш кўплаб расм чизар, ишларини суриштириб ўтирмасдан сотар ва топганини май ва аёлларга сарфларди; у бундай турмуш тарзини ўзига хос, лекин ҳиссиётсиз устозидан ўч олиш учун адолатли деб ҳисобларди. Бироқ вақт ўтиши билан Ко Чжук ақлининг йўналиши ўзгаради. У арзимас мақтовлар ва арзимас пулларга одатланиб, қабиҳ лаззатларга ишқибоз бўлиб, устозини ўзи ташлаб кетганлигини тушуна бошлади.

Баъзан унинг ўйига ўзига шунчалар қувонч бағишкаётган дунёвий ютуқлар аввалги орзуларига ҳеч қандай дахли йўқлиги келарди ва ҳатто сарф қилган саъй-ҳаракатлари ҳамда бошидан ўтказган синовлар билан таққосланганда ўта арзимас бўлиб кўринарди. Унга йўл харажатлари ёки мўйқаламга сарфларни қоплаш деб ёқимли номлар билан беришаётган пуллар моҳияти бўйича садақа сифат эди. Олдида уни осмонга кўтариб мақташлари бозорда дайди артистларга далда берадиган жаҳд-жадал билан бақиришлардан афзал эмасди. Буларнинг ҳаммаси Ко Чжукка денгиз сувидек таъсир қиласди: қанча кўп ичсанг, шунча томогинг қурийди ва Ко Чжук устози Сок Тамнинг ўйини ташлаб чиққандаги шавқсизлик ҳиссини кучайтираётганди.



Бунда ёш қайноқ қоннинг муайян вақт шафқатсизлик билан бостириб келинган эҳтиросли жўш уриши ҳам ўз ролини ўйнади. Мамлакат бўйлаб саёҳат қилар экан, Ко Чжук отаси ашаддий ишратпараст бўлганлигини билиб олди; у оиланинг бутун мол-мулкини ҳавога совурган, пировард натижада ўз соғлигига зомин бўлиб, ўттиз ёшдан ҳатлаши биланоқ бандаликни бажо келтирган экан. Онаси эса ҳатто вафот этган эрининг таъзия маросимлари тугамасдан, қўшниси билан қочиб кетибди. Авваллари шогирднинг нажоти устозининг ўғитлари ва юксак мақсадларда эканлигига кўр-кўrona ишонч юки билан босиб турилган шаҳвоний ҳирслар энди Ко Чжукни чирмаб олди. У телба бўлгандек дайдиб юrap, севиб қолар, майхўрлик қиларди. Ҳатто япон маъмурларининг шафқатсиз солиқлари мамлакатни очлик ва қашшоқликка маҳкум қилган уруш пайтида ҳам Ко Чжукнинг лаззатланиш иштаҳаси чегара билмасди. У бу роҳатланишларни осонгина топарди. Ахир қўшнисининг ёнаётган уйидаги ловиясини қовуриб олишини эплаштирадиганлар ҳамиша топилади. Ўшанда ҳам шундай эди: мамлакат очликдан шишиб ётарди, бироқ урушда ва японлар билан ҳамкорлик қилишда мўмайгина пул ишлаб топган одамлар ҳам кам эмасди.

Аммо кўп ўтмасдан Ко Чжук ҳаётини остин-устун қилиб юборган воқеа содир бўлди.

Үша пайтда у ўғли Сеулдаги япон генерал-губернаторлигидә юқори лавозимни әгаллаб турған японпараст катта ер әгаси жаноб Хоникида меҳмонда әди. Хо санъятни қадрлар, рангтасвир ва хаттотликни яхши тушунар ва вақти-вақти билан уйида мүйқалам соҳибларини түплаш билан ўзини овунтирарди. Бу даврда ёрма бўтқаси, ҳатто соя кунжараси ҳам йўқ әди, шунинг учун сахий меҳмондорчилик ва “йўл харажатларини қоплаш” деб аталадиган чойчақа меҳмонни дастурхони очиқ хўжайинга самимий миннатдорчилигини билдиришга мажбур қиласарди. Бунинг устига япон маъмурлари билан барча ўз алоқаларига қарамасдан японларни у тўпламаган әди-ку!

Лекин бир неча кундан сўнг Ко Чжук олдига устози Ун Гок келди. Ко Чжук самимий курсанд бўлди: Ун Гок ўзини ҳаммага қараганда ҳам яхши тушунадиган Сок Тамнинг энг яқин дўстигина эмасди; Ко Чжукнинг ўзи бир неча йил Ун Гок қўлида таҳсил олганди. Бевосита Ун Гок Ко Чжукни уйлантирди. Бевосита Ун Гок Ко Чжук Сок Тамни тарқ этганида ҳаммага қараганда буни чуқурроқ тушунди. Бироқ Ко Чжукнинг қувончи ҳавода осилиб қолди.

— Қойил! Ота-онасиз, устозсиз, оиласиз ёлғиз гаров Ко Чжук ҳақиқ қарияни танишни лозим топди.

Ун Гок Ко Чжук исмининг иероглифлари маъноси ва у қачонлардир ёшлигига ишлатган тахаллуси — Учта Йўқли Одамни эслатиб, унга оғир зарба берди. Муҳтарам Ун Гок қадорли меҳмонни олиб қолишга уринган жаноб Хонинг илтимосларига эътибор бермасдан ўриндиқقا ҳам ўтирумади.

— Сок Там ўладиган вақт келганга ўхшайди. У сен бари бир олдига қайтиб боришингга умид қиласди — ҳар ҳолда шогирдисан. Сен эса бу ерда!..

Одатда юмшоқ қўнгилли, хайриҳоҳ Ун Гокдан буни эшитган Ко Чжук ўзига таёқ билан тарсиллатиб согланларидек, ларзага тушди.

Аслида дайди ҳаёт Ко Чжукнинг жонига текканди. Бошпанасизлик ва бўшлиқ ношудларнинг тасаннолари билан ҳам, нозик дидли бойваччаларнинг садақалари билан ҳам таскин бермаётганди. Аёллар ҳам, май ҳам. Йиллар қандайдир сездирмасдан ўтиб кетаётганди — мана, қирқ ёшини ҳурб қўйди.

Балки, Одэ тогига саёҳат унинг сўнгги қайноқ ҳиссиётига гўё ўчиб бораётган гулханда бир лаҳза ялт этган чўгдек туртки бергандир.

Эртасига эрталаб Ко Чжук жаноб Хонинг меҳмондўст уйини тарк этди ва Одэ тогига, яқинда қалин дўсти бошлиқ бўлган эркаклар ибодатхонасига йўл олди. Ко Чжук устози Сок Тамнинг олдига қайтиши кераклигини биларди. У

буни орқага қолдирмаслик зарурлигини биларди. У ўз ҳаётидаги энг муҳим қарорлардан бири бўсағасида турганлигини тушунарди. У қайтиб боришни истарди, бироқ қайтиб боришдан қўрқарди. У шунча нарсани бошидан ўтказган уйга яна киришдан аввал ўз қалбини поклаши зарурлигини ҳис этарди.

Ко Чжук ибодатхонага омон-эсон етиб бориб, деярли ярим йил роҳибнинг хаёлотга берилувчан турмуш тарзи асосида яшади. Бироқ Ко Чжукнинг саёқ юрган йилларида қалбини қоплаган дунёвий кирнинг қалин қатлами, эски дилсиёҳликлар... Буларнинг ҳаммасидан халос бўлиш осон эмасди. Баҳор эшик қоқди, лекин Ко Чжук ҳеч руҳий ором олмаётганди.

Ана шундай ажойиб кунларнинг бирида Ко Чжук эрталабдан бери оқсочга қарагай пўстлогини шилишда ёрдам бериб, ҳордиқ чиқариш учун ибодатхона орқасида тиз чўкидига. Шунда девордаги ранги ўчган безакка кўзи тушди. Даставвал у буни ўн икки ҳомий арвоҳлардан бирининг тасвирига ўхшатди. У янада диққат билан разм солди: боши худди лочинникидек, танаси одамникидек, қанотлари тилла тусда...

— Бу нима? — сўради у ибодатхона бошлигидан.

— Олтин қанотли қуш. Унинг бошида — “Истаклар ижроси дури”. У олов пуркайди ва аждаҳоларни ейди. У ҳамма томонидан денгизлар

билан қуршалган Сумеру тогида яшайды. Бу қүш — Будда қонунини қўриқлайдиган саккизта илоҳнинг бешинчисидир. Уни яна Олтин қанотли қүш ёки Ажойиб қанотли қүш ҳам деб аташади.

Буни эшитиши билан Ко Чжукка “Олтин қанотли қүш денгизни тешиб ўтмоқда” байти ёдига тушди. Шу пайтгача унинг учун Олтин қанотли қүш фақат мажоз, устозининг қатъиятли, каттакатта ораси очиб ёзиладиган дастхати билан боғлиқ қандайдир куч рамзи эди. Бироқ у ушбу ранги ўчган безакни кўрганидан кейин Олтин қанотли қүш ўзи учун тирилди. Бир лаҳза унга ҳатто улуғвор қүш олтин қанотларини силкитиб, юксак осмонга парвоз қилганини ва тўсатдан пастга тошдек отилиб, денгиз тўлқинларини тешиб ўтиб, типирчилаётган аждаҳони чанглаб олганини кўргандек ҳам туюлди. Ва шу онда устозининг “Агар сен ҳеч бўлмаса бир марта мўйқаламинг остидан чиқаётган битикда ҳаётни кўра олсанг — мақсадингга эришган бўласан” деган сўзларини ниҳоят тушунди.

Эртасига Ко Чжук лаш-лушини йигиштириди ва тоғдаги ибодатхонани тарқ этди. Урушнинг сўнгги йили кетаётган эди.

Ко Чжук кечикди. Шунинг учун у ўзининг қайтиб келган кунини хотирлар экан, ҳамиша аччиқ ўқинишини ҳис этарди. Одатда кимсасиз бўладиган

ҳовлида ҳозир марҳумнинг шогирдлари ва дўстлари тўпланганди. Ҳеч ким Ко Чжукнинг қайтиб келганига хурсанд бўлмади, ҳеч ким унга бир оғиз гапирмади. Фақат Ун Гокгина совуққонлик билан гижиниб ғулдиради:

— Мёнчжондаги мотам матосидаги ёзувни сен қиласан. Сок Тамнинг сўнгги иродаси шундай. Марҳумнинг лавозими ва илмий даражасини ёзиш керак эмас. Оддийгина қилиб: “Кимлар уругидан бўлган олийжаноб Сок Там, конфуцийчи жасадининг тобути”, — деб ёзасан ва кўз ёшини тўхтата олмай қўшиб қўйди: — Сен ҳеч бўлмаса тушуняпсанми? Агар Сок Там мёнчжондаги ёзувни бевосита сен битишингни хоҳлаган экан, у сенинг қўлинг билан ёзилган иероглифларни ўзи билан олиб кетмоқчи бўлган. У иқтидорингни шу қадар қадрларди! Эҳ, аҳмоқсан, аҳмоқ...”

Шунда Ко Чжукнинг азоб тортиб келган қалби ағдар-тўнтар бўлди. Гўё эски озорлар унутилганди! Эҳтимол, ҳаётida биринчи марта устозининг кўзига тик қарагиси келди... Аммо ҳатто тобутнинг қопқоғи ҳам михланиб бўлганди.

— У ёққа бормаймизми, устоз? — эҳтиёткорлик билан сўради Чо Хон ёйилган ўрам устида қайгули ўйларга чўмган Ко Чжукдан.

У воқеликка қайтди ва оҳиста ўрнидан турди.

— Йўқ, борамиз.

Улар яна бир нечта дўконларни айланиб чиқдилар. Бирдан Ко Чжукнинг кўз ўнги қоронгилашди, оёқлари ҳолсизланди.

— Сизга нима бўлди, устоз? — Чо Хон шалпайган Ко Чжукни аранг ушлаб қолди, устози шогирдининг қўлида осилиб қолганди.

— Ҳеч нарса. Ҳозир йўлга тушамиз.

Қандайдир галати нарса, худди электр токи орқасига санчилгандек бўлди, пешанасини совуқ тер босди. Чо Хон Ко Чжукка ўтиришига ёрдамлашди.

— Уйга қайтсан яхши эмасми, устоз? Бугун биз ҳеч нарса тополмасак керак деб хавфсираяпман.

Лекин Ко Чжук қатъият билан деди:

— Бошқа магазинларни қараб чиқ. Мен шу ерда бўламан. Агар бирор нарса топсанг, айтасан.

Чо Хон устозининг аҳволини билишга ҳаракат қилиб, бир неча сония унинг юзига синчиклаб тикилиб турди, кейин индамасдан чиқиб кетди.

— Ҳозир ҳамма ёқдан сотиб олаётган ишларингизни нима қилмоқчисиз? — тулкилик билан сўради дўкон хўжайини Ко Чжук нафасини ростлаб олгандан кейин. Бу савол бир неча ойлардан бери бадиий буюмлар магазинларининг эгаларини қизиқтираётган эди. Бироқ Ко Чжук ҳеч кимга ўз ниятини ошкор қиласди. Бугун ҳам буни ошкор қилиш нияти йўқ эди.

— Нима қилишни биламан.

— Демак, тўгри экан-да? Сиз ўз музейингизни очмоқчимисиз?

“Музей? — заҳархандалик билан тиржайди Ко Чжук ва унинг юраги ифодалаб бўлмайдиган маъюслик билан зирқиради. — Улар билганида эди...”

— Омон бўлсак, кўрамиз, — мавҳум жавоб қайтарди Ко Чжук ва гапни бошқа томонга бурди. — Бу аслиятими?

Бу аслият бўлиши мумкин эмаслигини аъло даражада билгани ҳолда у бармоги билан ўрамга — Чху Са услубига яққол тақлидга: “Рассомнинг санъати Буюк дарё сувлари кабидир. Хаттотнинг маҳорати ёлгиз қарагай кабидир”га кўрсатди.

— Йўғ-э, қўйсангизчи, муҳтарам жаноб. Бу бир таниш йигитнинг кўчирган нусхаси, уни Ун Бон деб аташади. Ўйлашимча, битикда дунё гала-говуридан паришонлик ҳисси бордай, шунинг учун олдим.

— Ҳа, шундайми...

Ко Чжук хаёли қочган ҳолда ўрамга боқар экан, буюк Чху Са ҳақида ўйлади. Қачонлардир у қалбини нақадар забт этганди!

Дафндан кейин Ко Чжук яна ўн йилча устозининг етим уйида тарки дунё бўлиб яшади. У устозининг қариб қолган беваси, асраб олган ўғли ҳақида гамхўрлик қиласи ва яна сабот билан ишларди. У ўзига аввал аллақачон “умрини ўтаб

бўлган” сифатида кўринган услублар ва дастхатларни ўрганаарди.

У яна Хитойнинг қадимий эпиграфикасига киришди. У бронза уч оёқлари ва тош барабанлардаги ёзувлардан, Цинь ва Хань, Уч салтанатлик ва Гарбий Цзинь матнларидан нусха кўчирарди. У яна Жанубий мактабнинг Чжун Яо, Вэй Вань, Ван Си-чжи ва унинг ўғли Ван Сяньчжи, Чжи Юн ва унинг шогирдлари, Шимолий мактабнинг Со Цзин, Цуй Юэ ва Яо Юаньбядан Оуян Сюн ва Чу Суй-лянгача бўлган хаттотликларини ўрганаарди. Шундай қилиб, Ко Чжук етук ижодкор даражасига етганида Сок Там кўп марта тилга олган китобийлик руҳини сингдирарди. Қаерлардадир инқилобий бўҳронлар гулдирарди, фуқаролик уруши аланга олаётганди, бироқ ҳеч қандай гала-говурлар Ко Чжукни устозининг уйини ташлаб кетишига мажбурлай олмасди.

Бевосита ана шу пайтда Ко Чжук хаттотлик сирларини эгаллаб, йўлининг туб бурилишларида неча бор бўлганидек, ўзида ҳамиша ҳақиқий завқшавқ ҳиссини уйготадиган Чху Санинг ижодига яна мурожаат қилди. У марҳум устози, ўзи бу тўғрисида очиқ гапирмаган бўлса ҳам, амалда буюк ижодкорнинг ҳақиқий, эҳтимол, ягона меросхўри эканлигини тушуна бошлиди.

Лекин ҳатто Чху Са ҳам Ко Чжук қалбини тўла забт эта олмасди. Устози вафотидан кейин Сок Там уни шогирдликка олишга иккиланганлиги, бутун умр ундан эҳтиёт бўлиб юрганлиги, ўзининг иродасини букканлиги тўғрисидаги аччиқ хотиралари бир оз юмшаган бўлса ҳам Ко Чжукка вақти-вақти билан бари бир азоб берарди. Бундан ташқари Ко Чжук Чху Санинг қарашларини сўзсиз қабул қила олмади. Ко Чжук санъатни нафосат ижоди деб тушунарди ва унинг фикрича Чху Са ижодида фалсафа жуда қўп әди. Ёзувларнинг муаттар ҳиди ва китобийлик руҳи гўзалликни яратишнинг қўшимча воситалари, ҳатто гўзаллик турларидан бири бўлиши мумкин, аммо улар моҳият жиҳатидан гўзалликнинг унсури бўлишга қодир әмаслар. Ва Чху Санинг рангтасвирдаги ютуқлари бевосита ижодкор сифатидаги шахсий даҳолигининг оқибатидан бошқа ҳеч нарса әмас. Бундан ташқари Чху Са қарашларининг асосига қўйилган Цин янги конфуцийчилиги йиллар ўтиши билан энди ниш ураётган “манбаларга қайтиш” ҳаракати учун росмана фалокат бўлди ва тақлидгўйлар орасида бевосита Цин натура фалсафасининг таъсири ўша пайтдаги Корея санъатини иккинчи навли Хитой намуналари маъносини тузукроқ англамасдан, улардан нусха кўчиришга олиб келди. Шунинг учун Ко Чжукка Чху Са устози Сок Там каби ҳурматга ва таъзим қилишга муносиб буюк инсон

бўлиб қолган бўлса ҳам, Ко Чжук санъатда унинг йўлидан бора олмасди.

Бирор соатлардан сўнг Чхо Хон қўли қупқуруқ қайтиб келди. У қолган барча магазинларни айланиб чиққан бўлса ҳам Ко Чжукнинг ишларини топа олмаганинги айтди.

Ко Чжук Чхо Хоннинг қўлига суюниб, шаҳар кутубхонаси томон йўл олди. Унинг ўша ердаги бир нечта ўрамни қайтариб олиш умиди сўнмаган эди. Аммо бу аянчли тугади. Ко Чжук бўш келмайдиган директор билан гаплашаётганда овозини кўтарди ва ҳушидан кетди.

У куннинг иккинчи ярмидагина ўзига келди. У ўз хонасида ётарди; атрофида одамлар туради. Ко Чжук секин уларнинг юзларига бирма-бир кўз югуртириди. Мана Чхо Хон, унинг юзи оқариб кетганди; ёнида иккита собиқ шогирдолари; йигисиги қилаётган Чху Су... Худди у сўрамоқда:

— Отахон, тузукроқмисиз?

Ко Чжук жавоб ўрнига бошини қимиirlатди.

Чху Су ёнида яна бир таниш башара. Бу Нан Чжон — Ко Чжук ўзи адабий тахаллус қўйган биринчи шогирди. Сурбет, шилқим... Ко Чжукнинг боқишлири совуқ, еб қўйгудек бўлиб қолди.

Нан Чжон унинг қўлида ўн йил — Ко Чжук Сок Там уйининг тўрт девори ичида қамалиб олганидан ўзининг шахсий хаттотлик мактабини очгунча ўқиган. Уларнинг ёшлари ўртасидаги фарқ

нари борса ўн-ўн икки йилни ташкил этарди; Нан Чжон хаттотликка ўқишига қирқ ёшга тўлай деганда жиддий кириши, у бари бир муносиб шогирд эди, Ко Чжук унга ҳатто тахаллус ҳам тўқиб берди. Бироқ қайсиридир бир вақтга келиб Нан Чжоннинг олга юриши тўхтаб қолди, бир неча йилдан кейин эса у ўзининг хаттотлик мактабини очди. Ко Чжук шогирди у билан тузукроқ хайрлашмасдан ҳам кетиб қолганидан кўнгли ранжиганди, бироқ энг хунуги олдинда экан. Нан Чжон у ҳам гўёки устоз Сок Тамнинг шогирди ва Ко Чжук унинг учун атиги каттароқ ёшдаги ҳамкасби эканлиги, гўёки улар ўн йил хаттотлик ва рангтасвири Сок Тамдан ўрганганликлари тўғрисидаги мишишларни тарқата бошлади. Бундан хабар топиб газабланган Ко Чжук шу заҳотиёқ Нан Чжоннинг мактабига борди.

— Кираверинг, кираверинг ҳурматли ҳамкасб, — дарров майин кулумсирай бошлади Нан Чжон.

Унинг мунофиқлиги, биринчи навбатда, атрофга тўпланган шогирдлар учун мўлжалланган эди. Ва у бунга муваффақ ҳам бўлди. Аввалига Нан Чжон Ко Чжукка биргаликда ўқишиган йилларини хотирлашни таклиф этди, бироқ бу Ко Чжукка гувоҳлар олдида унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳақорат қилганлик учун судга бериш таҳдиidi билан тугади. Бу ўн йил муқаддам бўлганди.

— Отакон, бу жаноб сизнинг гаров тасвири туширилган иккита рангтасвирингизни олиб келди, — шошилиб тушунтиришга тушди Чху Су Ко Чжукнинг Нан Чジョンга нафрат билан тикилган лигини пайқаган ҳолда.

— Сиз, устоз, ўз чизган суратларингизни тўплаётганингиздан хабар топдим... Нима бўлса, ҳаммасини олиб келдим...

Афтидан у самимий гапираётган эди. Ўзи олтмиш ёшга яқинлашиб қолган ва улар кўришмаганларидан ўтган ўн йил ичидаги Нан Чジョンнинг юзидағи ажинлари кўпайганди. Ко Чжук қовоқларини ўйди. Қалб жароҳатлари дарров бита қолмайди.

— Яхши. Борақол, — деди бир неча дақиқадан сўнг Ко Чжук зардаси қайнаганини аранг босиб.

— Ҳозир суратни қўяман-да, кетаман, — Нан Чジョンнинг афти қорайиб кетди, бироқ у итоаткорлик билан хонани тарқ этди.

Бир оз вақт ўртага оғир сукунат чўмди. Уни биринчи бўлиб Чху Су бузди.

— Чэ Си қўнгироқ қилди.

— Қачон келаркан?

— Эҳтимол, кечқурун. Юн Сига қўнгироқ қиласми?

— Қилақол, — оҳиста жавоб худди хўрсинишдек эшишилди.



Чэ Си қонуний хотинидан бўлган катта ўғли эди. Хотини ўғил ва қиз кўрганди, лекин қизи уруш пайтида вафот этди. Юн Си Ко Чжукнинг сўнгги жазманидан бўлган ўғли эди. Чэ Си қирқ ёшдан ошганди; унинг Пусанда ўз бизнеси бор эди. Кичик ўғли Юн Си энди йигирма ёшга кирган, пойтахт университетларидан бирида ўқирди.

Ко Чжук жуда меҳрибон ота эмасди, аммо ҳар гал ўғиллари ҳақида ўйлаганида кенжаси хусусида ташвишланарди. Эҳтимол, Юн Си ўн уч ёшга тўлмасидан онасидан ажралганида; уни Чху Су тарбияларди. Бугун эса бевосита Чэ Си тўғрисидаги фикр юрагини зирқиратди. Кўзининг олдида ҳамиша шошиладиган, тинкаси қуриб ишлайдиган ўрта яшар эркак эмас — йўқ, балки биринчи марта дайди, деярли қашшоқ отаси билан юз кўришган ўн олти ёшли ўспириннинг чеҳраси гавдаланди. Ва Ко Чжук хотинининг бир неча ўн йил эсдан чиқарган юзи тушида эмас, ўнгидагидек намоён бўлди.


Ко Чжук устози Ун Гоннинг унаштиришида йигирма икки ёшида уйланди. Рафиқаси кёнчжулик Чхве уругидан, Ун Гокнинг жияни эди. У гўзал эмасди, лекин юмшоқ кўнгил бўлиб, Ко Чжукнинг хотирасида ундан бирор марта аччиқланмаган, у билан сира баҳслашмаган аёл сифатида қолганди. Бироқ уларнинг никоҳи Ко Чжукнинг ёшлигини ютиб юборган рангтасвир ва хаттотликка ашаддий

эҳтироси туфайли бахтсиз бўлганди. Қисқагина асал ойларидан кейин Ко Чжук яна ўз машгулотларига калласи билан шўнгигб кетди ва тонг саҳардан ярим тунгача устозиникида ишларди; уйида у фақат ухларди, холос. Ҳатто рўзгорни тебратиш ҳам хотинининг гарданида эди. Ко Чжукнинг даромади аҳён-аҳёнда сотиладиган суратлари ва ўрамларидан тушадиган арзимас пул ҳамда Сок Там баъзан шогирдига берадиган гуручдан иборат эди.

Тўгри, Ко Чжук Сок Тамнинг шогирди бўлган пайтида ҳаммаси жойида эди. Ойнинг ўн беши қоронги, ўн беши ёруг бўлса ҳам бир том остида яшардилар, фарзанд қўраётгандилар...

Ко Чжук Сок Тамни тарк этганидан кейин эса бу ҳам барҳам топди. Оиласига индамасдан, ҳатто хайрлашмасдан жўнаб қолган Ко Чжук ўн йил давомида хотинини бутунлай ёддан чиқарди. Аммо у ўзини ҳечам айбдор деб ҳис этмасди: Ко Чжук учун хотини ва фарзандлари нобоп пойабзалдек эди, қисса ҳам чидаши ва кийиб юриши керак эди.

Рафиқаси одамларнинг гап-сўзларидан эшитиб, бир неча бор Ко Чжукни излаб топганди. Лекин у кейинчалик ўзи ҳам англай олмаган совуқлонлик



在山林中，木屋是人们向往的居所。它与自然融为一体，让人忘却尘世的喧嚣。木屋的建造，不仅考验着工匠们的技艺，更考验着他们对自然的理解和尊重。木屋的每一个细节，都充满了故事和情感。无论是木屋的外形，还是内部的装饰，都体现了人们对美好生活的追求。木屋，不仅仅是一个居住的地方，更是人们心灵的归宿。

билан аёлинин олис масофада ушлаб турарди. У ёлғизликда, мاشаққат билан болаларини катта қилаёттган хотинига ачиниш әмас, балки ўзига хос уят — гүё аёли ҳали ҳам унинг турмуш тарзига дахлдор эканидан гоҳида ғазаб ҳиссини туярди. Фақат бир мартагина — хотини уни меҳмонхонада излаб топганида бир нечта чақа ва кийиб тўзитилган оёқ кийими берганди. Унинг бу муомаласи кўпроқ юпун ва очларга одатий ачинишга ўхшаб кетарди. Онасига опичган қизининг иситмаси баланд, юзи шишиганди; хотинининг ялангоч оёғи эскириб кетган пойабзалидан ҳадеб чиқиб кетаёттанди. Бу уларнинг сўнгти учрашишлари эди.

Ко Чжук оилани тарк этганидан кейин беш йилча ўтгач, хотини айрилиққа чидай олмасдан ота-онасининг уйига қайтиб келди. Худди шу йилда Ко Чжук Мэ Хян билан қўшилишган эди. Сўнг хотини акаси яшайдиган Осакага жўнаб кетди ва шундан кейин Кореяга қадам босмади. Овозаларга қараганда, акаси уни яна унаштирган экан. Бу мишишлар тўғрига ўхшайди: ҳар ҳолда у ота-онасининг уйида қолдирган фарзандларининг олдига бошқа келмади. Ко Чжук Сок Тамникига қайтиб келганидан бир неча йил ўтгач, болаларни ўзи билан олиб кетди; ўшанда Чэ Си — ўн олти, қизи эса — ўн бир ёшда эди.

Ко Чжукнинг виждони қийналмасди. Бироқ у эри ва болаларини ташлаб кетган хотинини ҳам

айбламасди. У ҳаёти тўқнаш келтирган бошқа барча аёлларга ҳам ана шундай лоқайд муносабатда бўларди. Унинг кексая бошлаганини сездирмаётган Мэ Хян каби бир нечта кисэнлар тўғрисида гапирмаса ҳам бўларди; ҳатто санъат тўқнаш келтираётган аёллар ҳам ўзида доимий эҳтирос уйғотмаётганди. Ко Чжук характерининг ўзи уни мангу ёлгизликка маҳкум этганди.

“Ҳаётимда чинакамига яхши кўрган бирор нарса бўлганми?” — Ко Чжук шундай ўй сурар экан, ҳозир фақат Чо Хоннинг бир ўзи бут каби тош қотиб ўтирган хонага шалвираб назар ташлади ва яна чексиз ғам-андуҳли хотираларига шўнғиди. Ҳа, санъат бор эди, албатта. Аввалбошдан у оиласи, турмуш ҳақида ўйлашни билмасди. “Мол-мулк”, “жамғармалар” сўзлари унинг учун бекорчи гап эди, ўзи мансаб ёки шон-шуҳрат кетидан қувмасди. Биринчи қараганда унинг ҳаёти сермазмун ва турфа кўриниши мумкин эди, амалда эса ниҳоятда жўн ва қатъий эди. Ўзини чулгаб олаётган жуда кўп қизиқишлар орасида у умум қабул қилинган меъёрлар ва тор фикрли танқидларга парво қилмасдан, биттасига, энг кучлисига содик бўлди — бу ҳаётий йўлини узил-кесил ва батамом белгилаб берди.

“Пировард натижада бу менга нима берди? — заҳархандалик билан ўзини-ўзи сўроққа тутарди Ко Чжук. — Ва нима бериши мумкин эди?”

Ко Чжукнинг бутун умри санъатга икки қарама-қарши қарашни муросага келтиришга уриниш билан ўтди.

Шарқнинг эстетика соҳасидаги ютуқлари ҳамиша муайян маънода бир ёқламалик эди. Санъат аввалбошдан жамиятни бошқариш воситаларидан бири бўлганди, шунинг учун у ҳеч қачон сиёsat учун анъанавий бўлган қадриятлар билан орани узил-кесил уза олмади. Бунинг устига у кўп маротаба фалсафий ва диний таълимот таъсирига дучор бўларди. Ҳуқмдорга содиқлик ва ахлоқий тамоӣиллар ва анъаналарга содиқлик санъатнинг асосий мавзусига айланди. Олийжаноб эр тўғрисида у битиклар хушбўй исини тарқатиши ва унда китобийлик руҳи ҳис этилиши ҳақида гапириш одат бўлганди.

Фарбда ҳам янги даврларгача вазият шундай эди, албатта. Узоқ вақт давомида санъат ҳуқмдорлар ва йирик ер эгаларининг саройларини безаш учун хизмат қилди, Парвардигорнинг қудрати ва шоншуҳратини мадҳ этди. Лекин фуқаролик жамияти шаклланиши билан санъат мустақиллик ва эркинликка эга бўлди. Фарбдаги ижодкорлар шарқдагилардан фарқли равишда сиёсий эмас, балки инсоний қадриятлар ва олий мақсадларнинг элтувчисига айлана бошладилар. Ижодкорнинг истеъдоди, унинг шахсий дунёқараси эса жами-

ятнинг энг асосий қадриятларидан бири ҳисобланадиган бўлди.

Бироқ Ко Чжук дунёга келган даврда корейс ҳалқи ҳам санъатга қарашнинг анъанавий тизими билан боғлиқ эди. Оддий расм чизувчиларнинг кўпчилиги “пасткаш одам” тоифасига мансуб бўлиб, улар мазах қилинарди. Юксак санъатнинг моҳияти фалсафа бўлиб қолаётганди, унинг асосий маъносини ҳамон Йўл — даони ва Маҳлиё бўлиш — дунёқарашни мажозий акс эттиришга уриниш ташкил этарди. Афтидан, Сок Там ушбу қарашларга чинакамига эътиқод қўйғанларнинг охиргиси бўлганди.

Европача нуқтаи назарга кўра, Ко Чжук Тангрининг марҳаматига сазовор рассом ҳисобланарди. Сок Тамнинг қарашича эса — пашмалоқ нўноқ бўёқчидан ортиқ кимса эмасди. Агар Ко Чжукнинг бетакрорлиги ожизроқ бўлганда ёки ўзи ҳеч бўлмаса ўттиз-қирқ йил илгари туғилганида, анъаналарнинг тимсоли бўлган устози билан келишмовчиликлари шу қадар чуқур ва жиддий тус олмасди. Лекин Ко Чжук ўз дунёқарашидан бошқа ҳеч нарса билан боғлиқ бўлмасликни хоҳларди; айни пайтда мамлакат аста-секин фуқаролик жамиятини шакллантириш сари йўналган давр ҳам унинг тарафида эди. Ко Чжукнинг Сок Там билан муносабатларидаги шогирднинг устозининг чуқур билимларига сезгири сажда қилишидан кам

ҳисобланмайдиган — устозида ҳам шогирдининг туғма иқтидорига муҳаббат пайдо бўлгани ва сақланиб қолгани ҳақиқатан ҳам буюк баҳт эди.

Аммо Сок Тамнинг ўйига қайтиб келиши руҳий изланишларига чек қўймади. Ўн йиллик тарки дунёчилик анъанавий тизим билан муросага келишиш учун сўнгги таваккалона уриниш бўлганди — у бари бир бунга эриша олмади.

Кейин эса ўигирма йиллик ижодий сайқал бериш ва янги изтиробли изланишлар — хўш, нимага муваффақ бўлинди?..

Ко Чжук қандайдир галати югур-югурдан ўйгониб, яна қўзини очганида қош қорайғанди.

— Ҳозир бир оз оғритаман, — деди кимдир адёлни сурар экан.

Бу доктор Чон эди. Игна худди аёз шамол эсгандек танани увиштириб, терига санчилди. Хонадаги одамлар кўпайди. Ко Чжук бу нимани англатишини дарҳол тушунди.

— Дада, бу мен — Чэ Симан.

Ўғли кўзи жиққа ёш Ко Чжукнинг қўлини ушлади.

Ко Чжук Чэ Сини уйига олиб келганида ўн олти ёшда эди, бироқ улар бир-бирларига бегоналардек бўлиб қолишаверди. Ко Чжук йигитча биринчи бор қандай уйидан кетиб қолганлигини ёдга олди. Бу Ко Чжук ўғли ҳеч бўлмаса ёзишни ўрганиб олишини назарда тутиб, унга мўйқалам ва қора

сиёҳдон сотиб олган куннинг эртасига рўй берганди. Чил-чил қилиб синдирилган сиёҳдон, тилка-пора қилинган мўйқалам — палид эса ном-нишонсиз го-йиб бўлганди. Бу йигитчани армияга олишмагунча Ко Чжук ҳаловатини йўқотди. Ўғли баъзан уйдан отасининг сурати ёки имзо қўйилмаган ва муҳро босилмаган ўрамини, айрим пайтда пулинини ҳам ўмарид кетарди. Бироқ ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, қуйилиб қолди, ўз бизнесини йўлга қўйгач эса қорасини кўрсатмай қўйди. Фақат икки йилча муқаддам отасини йўқлай бошлади.

— Юн Си ҳам келди, — Чху Су хўрсинаётган Юн Сининг қўлини олиб, Ко Чжукнинг бошқа кифтига қўйди. Чху Сунинг кўзлари йигидан шишиб кетган эди.

“Ҳа, оталарингиз бир пақирга қиммат, — ўйларди Ко Чжук, — ахир, ҳаммангиз турли она-лардан туғилгансиз. Ҳа, майли, сизларга ҳар қалай баъзи лаш-лушлар қолади, бу бир оз бўлса ҳам сизни отангизнинг камчиликлари билан муросага келтирас”.

Ко Чжук меросини тақсимлаб бўлганди. Мевазор — Чэ Сига, мактаб биноси — Юн Сига, уй — Чху Суга тегади. Ва у яна, яхшиямки, адабий мукофот таъсис этиш режасидан воз кечганлиги ҳақида ўйлади. Умрининг охирида бегоналарга бундай хушомад қилишга не ҳожат?

— Тинчлансангиз-чи ахир. Одамни сўнгти йўлга бундай кузатиб бўлмайди, — қандайдир хотин Ко Чжукнинг фарзандлари йиги-сигисини тўхтатишга уринарди. У ўгилларидан Ко Чжукнинг қўлларини тортиб олиб, уларни қаттиқ қисди ва сўради: мени танидингизми?

Афтидан дори таъсир қилишга улгурганди. Ко Чжук аранг нигоҳини жамлай олди ва унга боқди. У Ок Ке — хаттот аёл эди. Ўз вақтида бу аёлнинг Ко Чжук билан дон олишишлари тўғрисида кўп гапсўз юрарди. Ҳозир бу аёлнинг яқин атрофда ўз хаттотлик мактаби бор эди. Таниди, албатта, таниди. Аммо Ко Чжук тилга кирмасидан бутун вужудини ҳоргинлик уйқусининг қора тўлқини қоплади.

Олтин қанотли қуш учачтганди. У улкан қанотларини бир меъёрда силкитиб, мовий денгиз узра учарди. Лекин унда газабга миниш ҳам, хусумат ҳам ийӯқ эди. Бу шунчаки заминдагидан ёрқинроқ ва гўзалроқ дунёга талпинаётган улуғвор парвоз эди. Унинг қойилмақом пешанасида “истакларни рўёбга чиқариш дурдонаси” кўзни қамаштирадиган даражада ярқиради, у оловга ўхшаш гулнинг қипқизил япроқлари исини ҳидлар ва бу япроқлар денгиз устида ажойиб булатлардек ёйилганди. Қушнинг кенг орқасида эса Ко Чжук ўтиради. У сирғалиб тушиб кетмаслик учун бутун кучи билан қуш патларига ёпишарди. Қуш юқорига отилди;

Ко Чжукни тўнтармоқчи бўлгандек, шамол ёпирилди ва у олтин патни ушлаганича осилиб қолди. Қўллари бўшашаётганди. У бақирмоқчи бўлди ва уйғонди.

Девордаги соат тонгги тўртга бонг урди — у анчайин узоқ ухлаганди. Дорининг таъсири туғаганга ўхшайди; даҳшатли оғриқ танасини чийратаётганди. Аммо, нақадар ажабланарли бўлмасин, онги тиниқ әди.

Хонада фақат деворга ёнбошлаган ўғли ва китоб сандигининг устида ўтирган Чxo Хон қолганди. Ко Чжук оҳистагина тўшагига ўтириб олмоқчи бўлди. Буни анчайин осонгина уддасидан чиққани ҳайрон қолди. Белдаги оғриқ сусайди. Ва шу онда унинг ёдига тушди.

— Сан Чхоль! — Ко Чжук шогирдининг ҳақиқий номи билан чақирди. Чxo Хон сергак ухлаётганди.

— Устозга не даркор? — дарров жавоб берди у.

— Барча суратлар ва ўрамларни олиб кел.

— Нима учун?

— Айтганимни қил. Ҳаммасини олиб кел ва бу ерга қўй.

Чxo Хон тез қайтиб келди. Асарлар икки юзтадан кўпроқ экан, улар хонанинг бутун бурчагини тўлдириди.

— Ота, нима қилмоқчисиз? — қизиқди Чэ Си уйқусираб кўзларини уқалар экан.

Ко Чжук жавоб бермади, фақат Чо Хонга ишора қилди:

— Хонани ёргустроқ қилиш керак.

— Ҳозир торшерни олиб келаман.

Чо Хон устозининг амрини муҳокама қилмасдан бажаришга одатланганди. Бир оз вақтдан сўнг у торшерни кўтариб келди. Хона жуда ёришиб кетди.

— Энди ўрамларни бирма-бир оч ва менга кўрсат.

Чо Хон аввалдагидек, сукут сақлаган ҳолда ишга киришди. Биринчи ўрам Ко Чжук томонидан эллигинчи йилларда Юй Ши-нанъ услубида битилганди.

— Юй услубида битдим, аммо ундан беш ҳиммат ибратини олишга муваффақ бўлмадим. Чап томонга олиб қўй.

Кейин орхидеяли ўрам турганди.

— Ўша пайтда Чжен Си-сю йўлидан четта чиқиб бўлгандим, бироқ, аксинча, тэвогуннинг таъсиридан қутула олмадим. Натижада — у ҳам эмас, бу ҳам эмас ҳам. Чапга олиб қўй.

Ко Чжук бир ўрам кетидан иккинчисига шу каби ҳукм чиқаради. Ҳукмлар, гўё ашаддий душманига нисбатан чиқарилаётгандек, шафқатсиз ва илтифотсиз эди.

Ко Чжук ўзганинг дастхати намуна бўлган ҳолатларда белгилардан нусха кўчиришдаги ва

үйғунликдаги ноаниқликларни қайд әтарди; унинг ўзи ижод қылганларида эса шахсан бемаънилиги ва нұноқлигини айбларди, шунинг учун ўрам кетидан ўрам чап томондан жой олаётганди. Суратлар билан ҳам худди шундай бўлаётганди. Қадимий қоидаларнинг бераҳмлигига ўзининг совуқ муносабати қўшилди — Ко Чжукка ҳеч нарса ёқмаётганди.

Ко Чжук ўз ишларини салкам тушгача кўздан ўтказди. Бунга қандай қувват топилди?! Эрталаб ташриф буюрувчилар турнақатор бўлиши, бироқ ҳеч ким устознинг даргазаб шиддатини тўхтатишга журъат эта олмади. Ко Чжук эса ҳеч нарсани пайқамаётганди.

Ҳаммаси охирига етганида ўнг тарафда фақат биттагина ўрам ётарди.

— Яна борми? — сўради Ко Чжук титроқ овоз билан.

— Йўқ, ҳаммаси шулар, — жуда хотиржам жавоб берди Чоң Ҳон.

Ко Чжукнинг бети қорайиб кетди, боши ҳолсиз кўксига тиralди, танаси шалвираб, секин ёнбошга букила бошлади. Ён-атрофда тўпланиб турганлар бирор даҳшатли нарса содир бўлди деган ўйга боришганди. Аммо шундай дақиқаларда ҳам Ко Чжук тиниқ онг или ўзи билан ўзи гаплашаётганди:

“Сира кўра олмадим. Ҳаётимда ҳеч бўлмаса бир марта кўришни орзу қилгандим — ҳолбуки

дилимда умидимга, эҳтимол, ета олмаслигимни билардим. Балки, шунинг учун сўнгти дақиқагача буни орқага сурардим..."

Ко Чжук нимани қидираётганди? Ҳа, тонготарда тушига кирган ўша — Олтин қанотли қушни.

Устози Сок Там учун Олтин қанотли қуш — қудратли нафосат ва равшан онгнинг анъанавий рамзи ҳисобланарди. Лекин Ко Чжук Кху Са фалсафий анъаналарининг сўнгти давомчиси бўлган Сок Тамни тарк этганидан кейин унинг онгига Олтин қанотли қушнинг маъноси ўзгарди. У Ко Чжукнинг бадиий мукаммаллиги рамзига айланди.

Ко Чжук бутун умри давомида амал қилган, аммо сўнгги йигирма йил ичида шогирдларини тарбиялаш жараёнидагина шаклланган эстетик концепциялари, умуман олганда, икки асосий мавзуни қамраб оларди.

Биринчидан, анъанавий рассом сурат чизиш маҳоратини дастхат, хаттотлик орқали эгалларди; Ко Чжук эса сурат ёрдамида хаттотлик сирларини очишга уринарди. Агар битиклар ижоди фақат маънони ёзув белгилари орқали ифода этишдан иборат деб ҳисобланса, у ўзига ҳаётни бахшида қилиш учун арзимайди. Бир неча ой ичида мўй-қалам ёрдамида маънони ифода этишни эгаллаб олиш мумкин, ҳозир қалам ёки ручка каби оддий ёзув қуроллари пайдо бўлгач, бунга бир неча кун кифоя қиласи. Бироқ хаттотликнинг моҳияти



маънони ифода этиш эмас, балки иероглифларни чизиш жараёнида туғиладиган муҳаббатдир; шунинг учун иероглифни маъно белгиси эмас, маънодор сурат сифатида тушуниш даркор.

Ко Чжук әстетикасининг бошқа бир ўзига хослиги “буюм сурати” ва “қалб сурати”ни ўзаро чегаралашда эди. “Қалб сурати” биринчи навбатда, рассом түядиган ҳиссиётлар бўлиб, унинг ички кечинмаларига батамом боғлиқ эди.

Ко Чжук анъанавий әстетикада бу икки ёндашув ўзаро боғлиқлигини ва бир-бирини тўлдиришини тан оларди, лекин уларни назарий жиҳатдан чегаралаш зарурлигини талаб қиласарди. Бунда уларнинг бирини иккинчисидан яхши деб бўлмасди — бу масала шунчаки танловга боғлиқ эди; Ко Чжук битикларнинг хушбўй иси ва китобийлик руҳини умуман санъатнинг асоси эмас, балки атиги “қалб сурати”нинг унсурларидан бири деб ҳисобларди.

Шунинг учун ҳам Ко Чжукнинг Олтин қанотли қуши бевосита ушбу әстетика денгизидан парвоз қиласар ва кўкка — мукаммал гўзалликка талпинарди. Ко Чжук ўлими ҳақида ўйлай бошлаганидан буён ана шу қушни кўришга интизор эди. Зеро, бу унинг изланишларига маъно бахш әтар ва ҳамма-ҳаммаси учун тақдирлаган бўларди.

Бироқ у Олтин қанотли қушни кўра олмади.

Ҳозир бўлганлар Ко Чжук энди ўзига келмаса керак деган ўйда әдилар, бироқ беш дақиқа ҳам ўтмасдан чол яна кўзини очди ва яна Ҳо Хонни чақириди.

— Буларнинг ҳаммасини ол ва ҳовлига олиб чиқ. Ўша айвон ёнидаги гулзорга.

Ҳо Хон бу буйруқни қайта сўроқлаб ўтиромаса ҳам, афтидан, бир оз таажжубланди.

— Бутун умрим давомида ўзимни ва бошқаларни алдаб келдим. Ўзим ҳам бирор қимматли нарса қиляпман деб янглишарканман ва тасаннолар, ҳурмат-эҳтиромларни буларга лойиқман деб қабул қиласканман.

— Устоз, нима деяпсиз?

— Кимдир, эҳтимол, буларга арзир. Аммо мен эмас. Атиги бир неча дақиқа илгари осмонга парвоз қилаётган Олтин қанотли қушни чин қалдан, зориқиб кўриш истагида әдим. Бу умримни маъноли қиласди, деб ўйлаётгандим. Ҳозир, ҳатто бу қушни кўрсам ҳам — ана шу маъно қаердан пайдо бўларди?

Ҳон Хон гангиганча сукут сақларди.

— Энди эса сенга буюрганимни бажар. Агар буларни сақлаб қолсам, фалокат юз бериб, яна авлодларни ҳам алдаган бўламан.

Ҳо Хон ўрамларни қучоқлаб, ҳовлига чиқди. Ҳеч ким ҳатто уни тўхтатиб қолишга уринмади.

— Ёпма, — Ко Чжук кимдир Чо Хон орқасидан эшикни бекитмоқчи бўлганини кўриб, уни тўхтатди. Ва шу заҳотиёқ жон таслим қилаёттганнинг овозига сира ўхшамайдиган баланд ва тиниқ товуш билан шогирди кетидан бақири: — Анави жойга тахла. Ҳаммасини — ўша ерга!

Гулзор хонадан кўриниб турарди. Чо Хон ўрамларни сўлий бошлаган гуллар ўртасига қўйиши биланоқ Ко Чжук баланд овоз билан буюрди:

— Ўт қўй!

Шу заҳотиёқ ҳамма типирчилаб қолди. Кимдир Ко Чжукни аврашга тушди, бошқа бирорлар Чо Хонни тўхтатиш учун чопиб кетди. Аммо буларнинг ҳаммаси беҳуда югур-югур эди. Ко Чжук ҳеч кимга эътибор бермасдан момақалдироқ овоз билан бақири:

— Кимга айтяпман, ўт қўй!

Бирдан Чо Хоннинг афти газабдан буришиб кетди; бир неча лаҳза у Ко Чжукка синчиклаб қараб турди, ўзига халақит бермоқчи бўлганларни қўполлик билан итариб ташлади ва ўт қўйди. Кеёнинчалик баъзан у Ко Чжукни “сохта устоз” деб атасидан қалбининг тубида, балки, Сок Там ўқитган анъана унга ўзини ана шундай муросасиз инкор этишига имкон бермади. Кўз очиб юмгунча олов ўрамларни ўз қаърига олди. Кимдир қичқириб юборди, кимдир йиглашга тушди.

Айримлар учун Ко Чжукнинг барча ажойиб санъати, бутун ҳаётининг мевалари ёниб кетди. Бошқалар учун ёрқин аланга даҳшатли ҳақиқатни ёритди. Яна баъзи бирорлар учун Ко Чжук умрининг ўзи кул бўлди. Яна бир тоифа одамларга, тўгри, улар кам сонли эди — бир қоп пул ёнаётганди. Деярли ярим аср ҳақли равишда шоншуҳратга бурканган, асарларини бошқалар қатори икки Президент харид қилган, ҳамма томонидан эътироф этилган моҳир рассом ва устоз; бир сафар Умумкорея қўргазмаси ҳайъатига бошчилик қилиш фахрли таклифини назарига илмаган Ко Чжук ёнарди, саноқли дақиқаларда кулга айла наётганди... У томонидан яратилган, аслини олганда каравотда ётган қартайған бемор танасидан анча муҳим ҳамма нарса ахлатдек тўпланиб, ўт қўйилган ва уларни олов ямлаётганди.

Ва шу онда Ко Чжук кўрди. Аланганинг қоқ ўртасида бир лаҳзагина у кўкка отилган улкан қушни пайқади, олтин тусда ярқираётган қанотларни ва қудратли парвозни кўра олди.

Ко Чжук ўша кун кеч соат саккизга яқин, етмиш икки ёшида вафот этди.

**Русчадан Эркин ЭРНАЗАРОВ
таржимаси.**

ЛИ МУН ЁЛЬ
ХИКМАТЛАРИ





Олтин қанотли қүш дөнгизни тешиб үтмоқда,
Хүшбүй иси анқиган фил дарё кечмоқда¹.



Хаёти гүё тог багирлаб вазнисиз охиста ҳара-
катланаётган баҳорги булат сояси каби, гүё эсіб
қолған ёз шамоли супурган ҳовли сингари, гүё ов-
лоқ тог дарасидаги күзги ирмоқлар сувидек, гүё
қор ёғиб үтгандан кейинги очиқ ва сарҳадсиз қиши-
ки осмондек тиниқ, сокин, маңыс ва ёлғыз әди.



Инсон әмасга — таълим бермайман.



Азоб-үқубатсиз иқтидорлық қалбнинг ҳақиқий
асослар сари йўлига тўсиқ бўлади.



Пешанасига қариб-қартайиб ўлиш ёзилмаган
бўлса ҳам қаёққа шу қадар шошилди.

¹ Бу ҳикматнинг маъноси шундай: мовий дөнгизга отилиб, аждаҳони юлиб оладиган
ва кўкка ўқдай отиласидиган Олтин қанотли қүш каби шижоатли бўл; хүшбўй ҳид
анқитиб, дарёдан шошмай кечиб ўтаётган филдек қатъий бўл.



Олхўри бутун умри бўйи совқотса ҳам, ҳидини сотмайди.



Орхидеяларининг ялангоч илдизлари — ҳалок бўлган мамлақатга мотам рамзиидир.



Ёзув шаклида биринчи қоида қуийдагидан иборат бўлиши керак: аввалига қалбингни ҳамма беҳаловатликлардан халос қил, кейингина қўлингга мўйқалам ушла. Сенинг ҳаракатларинг фалакнинг айланиши каби бўлиши керак: самонинг ўртасида осмоннинг ўқи жойлашган. Унинг атрофида айланиш рўй берадиган жанубий қутби ва шимолий қутби бўлгани каби мўйқаламнинг ҳаракати қўл панжалари билан, қўл панжалари ҳаракати бармоқлар билан, бармоқларнинг ҳаракати билак билан, билакнинг ҳаракати қўл билан, қўлнинг ҳаракати елка билан амалга оширилади — тананинг бутун ўнг ярми ҳаракати шу тарзда содир бўлади.



Буни юз марта ёзиб чиқсанг — ҳуснихатинг бошқаларга намуна бўлади; буни минг марта ёзиб чиқсанг — мақтov эшиласан; буни ўн минг марта ёзиб чиқсанг — сени машҳур хаттот деб аташади.



Будда ҳолатида ўтириш Будда бўлишни англатмайди, бирор воситасиз аждаҳони тута олмайсан. Фақат кўп марта уринишлардан кейингина бирор нарсани эплай оласан.



Ҳалок бўлган мамлакат гарови қайси қувончдан сербарг бўла олади? Таг-томири билан йўқотилган сулоланинг уятли ҳаёти сақлаб қолинган амалдори олхўрини гуллашга мажбур қилиш учун кучкүвватни қаердан олади?



Рангтасвир ва хаттотлик — руҳнинг ифодаси.



Агар хаттотлик ёки рангтасвир атиги дунёга қайгу ва аламни маълум қилиш воситаси деб ҳисобланадиган бўлса, санъат маънисиз машгулотга айланиб қолмайдими?



Хонада ўтириб, гаров баргларини юлиш ва олхўри гулларини сидириш — ўзингни ҳам, ўзгалирни ҳам алдаш демакдир.



Тасвираётган буюмига садоқатни ҳаммадан ҳам яхшироқ ифода этувчи — кўчаларда расм чизувчиdir. Лекин унинг суратлари сариқ чақага арзийди, кейин булардан ўрам қогози сифатида фойдаланишади, зеро уларнинг маъноси саёз ва тутуриқсиэздир.



Ижодда юксак руҳ намоён бўлмас экан, расмдаги қора ранг шунчаки қора сиёҳ, оқи эса шунчаки қогоз бўлади.



Қобиляят — ҳикматнинг нурланиши, қўникма эса — унинг пўстлогидир. Агар ҳикматга амал қилинмаса, қобиляят ўз ифодасини топмайди ва қўникма эгалланмайди.



Қобиляятни такомиллаштириб ва қўникма ҳосил қилиб, қачон дао билан бирлашиб кета олишларини кутишади. Агар бутун умр машқ қилинса, маҳорат ва қўникмага эга бўласан. Шунда ҳикматга амал қилиб биргина қадам қўйсанг, ҳақиқий рассом бўласан. Дао билан бирлашиб ижод қилиш санъатда ўз йўлингни топишни англатади.



Сон-саноқсиз соchlар биргаликда — куч.



Мени мақтаган — душманимдир.



Ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди.



Ҳатто қабр тошларини ҳам шамол ва ёмғир
емиради — шундай экан, қозғоз билан қора сиёҳ
қанчага чидайди?



Сўймаган боланг доим кўп овқат ейди.



Денгиз сувини қанча кўп ичсанг, шунча то-
могинг қурийди.



Қўшнисининг ёнаётган уйида ловиясини қовуриб
олишни эплаштирадиганлар ҳамиша топилади.



Хотин калтаклаётган эри билан ярашади,
аммо эрини дўппослашдан тўхтатган қайнанасини
кўргани кўзи йўқ.



Беванинг дардини бева тушунади.



Овқат ёқмаса — итта берасан, қўнжинг ёқмаса — чидайсан.



Ўзингнинг қизинг дилбар, қўшнингнинг ҳосили ҳамма вақт сеникидан юқори.



Тоғ кулса — дала йиглайди, дала йигласа — тоғ кулади.



Олтин қанотли қуш. Унинг бошида — “Истаклар ижроси дури”. У олов пуркайди ва аждаҳоларни ейди. У ҳамма томонидан денгизлар билан қуршалган Сумеру тогида яшайди. Бу қуш — Будда қонунини қўриқлайдиган саккизта илоҳнинг бешинчисидир.



Агар сен ҳеч бўлмаса бир марта мўйқаламинг остидан чиқаётган битикда ҳаётни кўра олсанг — мақсадингта эришган бўласан.





Рассомнинг санъати Буюк дарё сувлари кабидир. хаттотнинг маҳорати ёлғиз қарагай кабидир.



Езувларнинг муаттар ҳиди ва китобийлик руҳи гўзалликни яратишнинг қўшимча воситалари, ҳатто гўзаллик турларидан бири бўлиши мумкин, аммо улар моҳият жиҳатидан гўзалликнинг унсури бўлишга қодир эмаслар.



Қалб жароҳатлари дарров бита қолмайди.



Унинг учун хотини ва фарзандлари нобоп пойабзалдек эди, қисса ҳам чидаши ва кийиб юриши керак эди.



Шарқда санъат аввалбошдан жамиятни бошқариш воситаларидан бири бўлган, шунинг учун у ҳеч қачон сиёsat учун анъанавий бўлган қадриятлар билан орани узил-кесил уза олмади.

Бунинг устига у қўп маротаба фалсафий ва диний таълимот таъсирига дучор бўлди. Ҳукмдорга содиқлик ва ахлоқий тамоїиллар ва анъаналарга содиқлик санъатнинг асосий мавзусига айланди.



Гарбда санъат узоқ вақт давомида ҳукмдорлар ва йирик ер эгаларининг саройларини безаш учун хизмат қилди, Парвардигорнинг қудрати ва шон-шуҳратини мадҳ этди. Лекин фуқаролик жамияти шаклланиши билан санъат мустақиллик ва эркинликка эга бўлди. Гарбдаги ижодкорлар сиёсий эмас, балки инсоний қадриятлар ва олий мақсадларнинг элтувчисига айлана бошладилар.



Ижодкорнинг истеъоди, унинг шахсий дунё-қарashi жамиятнинг энг асосий қадриятларидан биридир.



Юксак санъатнинг моҳияти — фалсафа, унинг асосий маъноси — Йўлни ва Маҳлиё бўлишни мажозий акс эттиришdir.




Тангрининг марҳаматига сазовор ижодкор расом ҳисобланади.



Агар битиклар ижоди фақат маънони ёзув белгилари орқали ифода этишдан иборат деб ҳисобланса, у ўзига ҳаётни бахшида қилиш учун арзимайди. Бир неча ой ичида мўйқалам ёрдамида маънони ифода этишни эгаллаб олиш мумкин, ҳозир қалам ёки ручка каби оддий ёзув қуроллари пайдо бўлгач, бунга бир неча кун кифоя қиласди. Бироқ хаттотликнинг моҳияти маънони ифода этиш эмас, балки иероглифларни чизиш жараённида тугиладиган муҳаббатдир; шунинг учун иероглифни маъно белгиси эмас, маънодор сурат сифатида тушуниш даркор.



Битикларнинг хушбўй иси ва китобийлик руҳи умуман санъатнинг асоси эмас, балки атиги “қалб сурати”нинг унсурларидан биридир.



ли мун ёлнинг ҳаёти
ва ижодий фаолияти
солномаси



1948 йил — Ли Мун Ёль таваллуд топган.

1970 йил — Ли Мун Ёль Сеул миллий университетини тугаллаган.

1977 йил — унинг биринчи асари — “Чегарада” ҳикояси “Дегу” газетасида чоп этилди.

1979 йил — ёзувчининг “Инсон фарзанди” асари эълон қилинган.

1982 йил — Ли Мун Ёлнинг “Олтин қанотли қуш” қиссаси миллий Ким Тонин номидаги адабий мукофот билан тақдирланган.

1983 йил — ёзувчи “Император ҳақи” романи учун Корея Республикаси адабий мукофотига муносиб топилган.

1984 йил — адебнинг “Қаҳрамон даври” асари чоп этилган.

1985 йил — Ли Мун Ёль Инчхонда ёш муаллифлар учун ижодий студия ташкил этган.

1987 йил — ёзувчининг “Бизнинг синдирилган қаҳрамон” асари нашр этилган.

1988 йил — Инчхондаги ижодий студия негизида Ли Мун Ёль томонидан Жанубий Кореяда биринчи “Пу-ак” адабиёт академияси очилган.

1989 йил — Ли Мун Ёлнинг “Ҳатто йиқилганларнинг ҳам қаноти бор” асари чоп этилган.

1994–1997 йиллар — Ли Мун Ёль Сечжон университетида корейс тили ва адабиётидан дарс берган.

1999 йил — у “Пу-ак” адабиёт академияси раҳбари вазифасига тайинланган.

1999 йил — Ли Мун Ёль мамлакатда энг нуфузли “Хоам” мукофотига сазовор бўлган.

МУНДАРИЖА

А.Сайдов. Қадимий ва ҳозирча нотаниш адабиёт.....	3
Ли Мун Ёль. Олтин қанотли қуш (қисса)	15
Ли Мун Ёль ҳикматлари.....	97
Ли Мун Ёлнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти солномаси.....	109

УЎК 821.531-3

КБК 84(5Кор)

Л49

Мун Ёль, Ли.

Л49

Олтин қанотли қуш / сўзбоши муаллифи ва масъул мұҳаррир А. Саидов; рус тилидан Э.Эрназаров таржи-маси. – Т.: "DAVR PRESS" НМУ, 2016. – 112 б.

ISBN 978-9943-4611-3-0

УЎК 821.531-3

КБК 84(5Кор)

Адабий-бадиий нашр

ОЛТИН ҚАНОТЛИ ҚУШ

Кисса

Бош мұҳаррир Асрор Мұмин

Бадиий мұҳаррир Жақонгир Абдужалилов

Мұҳаррир Адолат Файзиева

Нашриёт лицензия рақами AI № 213
2016 йил 18 февралда нашриётта топширилди.

2016 йил 1 апрелдә босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32. "Academy TAD" гарнитураси.

Шартлы босма табоги 5,88.

Нашриёт ҳисоб табоги 3,51. Адади 1000 нусха.
1160-сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет "DAVR PRESS"
нашриёт-матбаа уйида тайғерланди.
"DAVR PRESS" НМУ МЧЖнинг матбаа бўлимида
оффсет усулида чоп этилди.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100156,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-А даҳа, 42-үй.

Нашриёт бўлими тел.: + (99871) 120-1299.

Маркетинг бўлими тел.: + (99871) 120-1233; 120-1202.

Web: www.davrpress.uz

E-mail: davr-press@mail.ru

Ли Мун Ёль

Корейс адабиётининг намояндаларидан бири. 1977 йилда чоп этилган биринчи ҳикояси — “Чегарада” билан адабиётишунослар ва китобхонлар эътиборини қозонган. Кейин нашр қилинган “Инсон фарзанди” (1979), “Император ҳақи” (1983), “Қаҳрамон даври” (1984), “Бизнинг синдирилган қаҳрамон” (1987), “Ҳатто ииқилғанларнинг ҳам қаноти бор” (1989) сингари асарлари ҳам адид шуҳратини оширди.

1982 йилда эълон қилинган “Олтин қанотли қуши” қиссаси миллӣ адабий мукофот билан тақдирланган. Умуман олганда, унга кўпгина асарлари учун нуфузли адабий мукофотлар берилган.



ISBN 978-9943-4611-3-0

9 789943 461130